O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

**Da'vat**

*"Огоҳ бўлинг, одамлар!" — деган даъват ҳамиша бонгургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Уз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир.*

**Ислом КАРИМОВ.**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 1 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 60 (7359)

**Ibrat**

*Яқинда Тошкент миллий рассомчилик ва дизайн институтининг 3 нафар талабаси — Синдбод Қобилов, Баҳриддин Тожиев ва Абдувоҳид Абдужалиловлар Тянь-Шань тоғларининг ғарбий этакларида жойлашган Катта Чимён чўққисига кўтарилиб, жонажон Ватанимизнинг байроғини қадаб тушдилар. Ҳозир муқаддас байроғимиз 3309 метр баландликда ҳилпираб турибди.*

**Abiturient — 2001**

# ОМАД ЁР БЎЛСИН!

**Бугун — 1 август, кўпчиликка оддий кун. Мамлакатимиз олий ўқув юртларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун эса юрак шиддат билан урадиган сана. Уларнинг олдига қўйган биргина мақсадлари бор: талабалик бахтига эришиш. Бу ният йўлидаги ҳар қандай абитуриентнинг уринишлари замирида халқимизнинг боқий қадрияти яширин: илм истамоқ ва уни эгалламоқ киши умрини безаб, мазмун бағишлайди.**

**2001 йил абитуриенти сифатида имтиҳон варақалари тарқатилган 263313 нафар йигит-қиз бугун ўз танлаган ихтисосликлари бўйича тест синовларидан ўтадилар. Айниқса, ҳуқуқ, молия, иқтисод, дипломатия ҳамда хорижий тиллар бўйича тушган аризалар бир ўринга 15-20 тани ташкил этди. Умумий кўрсаткич эса бир ўринга беш кишидан кам эмас.**



Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

**Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ белгиланган 1200 та ўринга даъвогарлар сони 6717 нафарни ташкил этди. Бу эса етук педагог кадрлар тайёрлаш йўлидаги саъй-ҳаракатдир.**

**Кенг ва ёруғ аудиторияларга жойлашган абитуриентни бугун саволлар жамламаси синовдан ўтказади. Халқона ибора айтсак, "Қозонда бори чўмичга чиқади".**

**Юқорида таъкидласак-да, яна бир карра айтишга ҳақлимиз: абитуриент талаба бўлишни дилига тугибдими, улар орасидаги билимдон ва зукко ёшларга омад кулиб боқсин!**

**Fikr, mulohaza, taklif**

# МУАЛЛИМ, ЗАМОНАВИЙ ДАРС ВА ДАРСЛИК

***ёхуд уларнинг бир-бирига уйғунлиги хусусида***

Маълумки, таълим методларини муайян педагогик шароитга мослаштириш, уйғунлигини таъминлаш таълим сифатини кўтариш омилларидан ҳисобланади. У ўқувчи эгаллаши зарур бўлган билимларнинг пухта ўзлаштирилишида, дарс жараёнида шогирд ва устознинг толиқмаслиги ва ниҳоят, вақтнинг тежалишида намоён бўлади.

Таълим бериш усули асосан дарс мақсадига кўра белгиланиши барчага аён. Аммо уни белгилашда ўқув материали мазмуни билан уни ўрганувчининг салоҳияти даражаси ўртасидаги тафовут, таълим воситаси кабилар ҳам таъсир этишини назардан қочирмаслик зарур. Аксарият ўқув фанларида аралаш дарс тури кўп қўлланади. Бундай дарсларда ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, янги маълумотни ўрганиш (таянч билимларни бойитиш), ўтилганларни мустаҳкамлаш ва уйга вазифа бериш кабилар кетма-кет кечади. Бундай дарс турида вақтнинг 50-60 фоизи ўқувчи билимини текширишга сарфланади.

Ҳозирда фақат янги билимларни ўргатиш ёки ўқувчи билимини текшириш ва баҳолашдангина иборат дарслар тобора истеъфода этилмоқда. Жумладан, 5—7-синфларда аксарият дарс янги материални ўрганишга бағишланиб, муайян мавзу ўрганиб бўлингач, асосан текшириш, назоратга йўналтирилмоқда. Бу янги педагогик технология воситалари саналмиш рейтинг тизими ҳамда тест усули тақозосидир.

Бир дарс жараёнида хилма-хил таълим методларидан фойдаланиш ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашнинг шарти эканлигини кўп эшитгансиз. Дарҳақиқат, бир хиллик нафақат ўқувчини, балки ўқитувчини ҳам зериктиради, толиқтиради. Аммо ўқув фаолиятининг ҳаддан ташқари хилма-хил кечиши ҳам ўқувчини чалғитади. Педагогик маҳорат соҳиблари, шу жумладан, мактабда кўп йиллардан буён дарс бериб келаётган методист олимларнинг таъкидлашича, бир соатлик дарсда 2-3 хил фаолият туридан фойдаланиш маъқулроқ. Ҳар бир дарсда ўқувчилар диққатини ўрганилаётган масаланинг энг муҳим, энг мураккаб жиҳатига қаратиш, шунингдек, уйда бажариладиган вазифанинг энг мақбул йўлини тушунтириш, янада муҳими, кейинги дарсларда асқотадиган малака ва кўникмаларнинг эгалланишига эътиборни кучайтирмоқ лозим.

Бунда ўқувчининг билиш, ўрганишга бўлган иштиёқи сўнмаслигига алоҳида аҳамият берилади. Шу мақсадда "Бугунги мавзуни пухта билсанг, кейинги мавзуларни шубҳасиз ўзлаштирасан" ёки "Бу мавзуни дарс давомида ўзлаштириб улгурсанг, асло уй вазифасини қилишингга ҳожат қолмайди" сингари даъватлар ўқувчиларни тетиклаштириб, уларнинг узлуксиз фаоллигини таъминлайди.

Ўқув материалининг энг асосий жиҳатлари ўқувчилар томонидан қабул қилиниши ва эслаб қолиниши дарс муваффақиятли ўтганлигининг биринчи аломатидир. Тушуниб ва эслаб қолинган билимларгина кейинги дарсга "кўприк" бўла олади. Дарс жараёнида ўрганилганларни уйда дарслик ва бошқа дидактик воситалардан фойдаланиб, мустақил такрорлаш ҳам шу мақсадни кўзлайди. Булар замонавий дарс режасида, қолаверса, курсни дарсларга бир хил тақсимлашда эътиборда бўлмоғи шарт. Шунингдек, такрорлаш дарсининг аҳамиятини ҳам унутмаслик керак. У умумий ўрта таълим мазмунига хос узвийликнинг тақозоси, шу билан бирга турли сабабларга кўра дарс қолдирган ўқувчиларнинг синф жамоасидан ортда қолмаслиги кафолатидир.

Хуллас, таълим-тарбиянинг янги педагогик технология воситасида оптималлаштирилиши ҳар бир дарснинг компонентал хослигида намоён бўлади. Бу хосликнинг бош омили дарснинг қайси ўқув фанига тегишли эканидир. Масалан, географиянинг бошқа ўқув фанларидан фарқли ўлароқ турли-туман далил, рақам ва номлар билан иш кўриши ҳар бир дарс мазмуни, методларида акс этади. Дарҳақиқат, муайян географик қонуниятнинг намоён бўлишини ифода этиш учун ўнлаб ҳодиса, жараёнга алоқадор кўплаб миқдор ва сифат кўрсаткичлари ва хилма-хил географик номларга мурожаат этишга, уларга тушунча бериб ўтишга тўғри келади.

Ўқувчиларнинг тушуниши, билиши зарур бўлган билимлар ҳамда эгалланиши, уддалай олиши талаб этиладиган малака ва кўникмалар минимал меъёри давлат таълим стандарти, жумладан, география таълими стандартида белгилаб қўйилган ва улар тушунча, қонуният, термин, ном ҳамда бирон-бир жойнинг географик тавсифини туза олиш, ҳодиса, жараёнларни моделлаштира билиш, моделларни ўқий олиш сингариларда ифодаланган. Ўқитувчи дарсликнинг таянч билим ҳамда малака таркиб топишига хизмат қилувчи биринчи даражали аҳамиятга молик материалини юқоридагилар асосида белгилаб чиқади. Чунончи, ўқувчилар билими ва малакаларига бўлган минимал талаблар бажарилиши зарурдир. Масалан, 6-синф географиясида "Шимолий Америка иқлими"ни ўрганишда асосий эътибор ғарбдан эсувчи ҳаво массаларининг ролини кўрсатишга қаратилади. Иқлим ҳосил қилувчи бошқа барча омилларнинг материк иқлимидаги ўрнини эса илгари ўрганилган ҳаво турлари, иқлим минтақалари ҳосил қилувчи омилларга хос тушунчалар, иқлим хариталари ва иқлим диаграммаларини ўқиш ҳамда таҳлил қилиш малакалари орқали билиб олинади.

"Ўзбекистоннинг рельефи, географик тузилиши, фойдали қазилмалари" (7-синф) мавзусини ўрганишдан асосий мақсад, мамлакатимиз ҳудуди хилма-хил рельефга эгалиги ва бу ҳолнинг бош сабабини тушунтиришдан иборат. Бу дарсда эгалланадиган асосий билим Ўзбекистон ҳудудига хос рельеф шакллари, тектоник тузилмалар, геосинклиналлар ва уларга ҳамоҳанг фойдали қазилмаларнинг вужудга келиши, жойлашишида ифодаланган қонуниятни тушуниш, билиш ҳамда шу қонуният ифодаси ўлароқ фойдали қазилмалар асосий конларининг ўрнини номма-ном айта олиш ҳисобланади. Шунингдек, ўқувчиларда геологик-тектоник карталардан, геохронологик жадвалдан фойдаланиш ҳамда уларни ўқий олиш малакасини ҳосил қилиш лозим.

**(Давоми 2-бетда)**

**Qutlug' ostona**

# МАТЕМАТИК ДИПЛОМАТ БЎЛИШИ ШАРТМИ?

*Мустақил мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш, барча соҳаларда улкан ислоҳотларни амалга ошириш, тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб жой эгаллаш кўп жиҳатдан илм-фан ривожига ҳамда унинг ютуқларидан кенг ва самарали фойдаланишга боғлиқдир. Фан ва техниканинг тараққиёти ишлаб чиқаришнинг юксалишига, инсонлар турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади. Шу маънода, Ўзбекисон тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган ақлий салоҳиятни вужудга келтириш, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрларнинг сонини кўпайтириш, илм-фанни янада юксак чўққиларга олиб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.*

*Мазкур масъулиятли вазифани амалга оширишда, аввало, бўлажак олимларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш лозим ва буни бугундан, янги ташкил этилган академик лицейларданоқ амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, академик лицейларда фақатгина иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар ўзлари танлаган соҳада билим оладилар, қизиққан фанини чуқур ўрганадилар. Бугунги кунда бу борада талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бир қатор академик лицейларда ўзига хос "Кичик академия"лар фаолият кўрсатмоқдаки, улар энг истеъдодли, ноёб қобилиятли ва ижодкор ёшларни танлаб олиш, бу ўқувчиларга табақалаштирилган, маълум ихтисосликка йўналтирилган чуқур билим бериш, уларни ихтирочилик, илмий изланувчанликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу борада Самарқанд давлат университети, Гулистон давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Низомий номидаги педагогика университети қошидаги академик лицейларда қилинаётган ишлар эътиборга моликдир. Бу ердаги энг иқтидорли, истеъдодли, нодир қобилиятли ва илмий изланишга лаёқати бўлган ўқувчилар "Кичик академия"га аъзо қилиниб, улар академик лицей, университет ва Фанлар Академияси институтларининг етакчи мутахассислари, олимларига бириктирилиб қўйилди. Дарсдан бўш вақтларида ҳар бир ўқувчи билан якка тарзда қўшимча назарий ва амалий машғулотлар олиб борилмоқда. "Кичик академия"лар ўз Низомига эга бўлиб, махсус режа асосида иш олиб боради.*

*Мазкур "Кичик академия"ларнинг самарали фаолияти ўлароқ, академик лицейларда таълим олаётган ўнлаб юқори иқтидор соҳиблари аниқланди. Масалан, Навоий Давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг 3-курс ўқувчиси Бахтинур Бердиев ҳақида алоҳида гапириш мумкин. Бахтинур юртимиз тарихини ўрганиш борасида илмий изланиш олиб бормоқда. У 16 ёшида "Юртим тарихига бир назар" ва икки қисмдан иборат "Навбаҳор тумани тарихи" номли 3 та китоб ёзиб, нашрдан чиқарди, ўнлаб илмий мақолалар чоп эттирди. Ҳозирги кунда Б.Бердиев академик Бўрибой Аҳмедов раҳбарлигида "Навоий вилоятининг муқаддас қадамжолари" мавзусида илмий иш олиб бормоқда. Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицейнинг 3-курс ўқувчиси Зариф Исроилов эса лицейнинг кимё лабораториясида ўқитувчи раҳбарлигида мис кристалларини ўстиришга муваффақ бўлди. Шу лицейнинг яна бир ўқувчиси Назмия Муҳиддинованинг шеърий тўплами китобча ҳолида нашр қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицейда ЎзФАнинг 12 та илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлик ўрнатилган. ЎзФАнинг Генетика институти томонидан лицейда цитогенетика илмий лабораторияси ташкил этилиб, асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланди ва иқтидорли ўқувчилар билан генетика соҳасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари табиий фанлар йўналишидаги иқтидорли ўқувчилар биология ва кимё соҳасида меҳнат қилаётган республикадаги таниқли олимлар раҳбарлигида илмий ишларга жалб қилинган. Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицейдаги иқтидорли ўқувчилар "Кичик академия" қошида рамзий маънода номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаб, "фан номзоди", "фан доктори" унвонини олиши мумкин. 6 нафар ўқувчи "фан номзоди" унвонига эга бўлган. Бунинг учун улар тинмай меҳнат қилишлари, ўз устида ишлашлари, кутубхоналардан керакли адабиётларни излашлари зарур. Сўнгра танлаган мавзулари бўйича 30-35 бетлик диссертация ёзиб, ўқитувчилар, олимлар, тенгдошлари олдида 20 дақиқалик маъруза қилишлари ва шу тарзда ўз ишларини ҳимоя қилишлари зарур. Уларга академик лицей ва университетнинг тажрибали ўқитувчилари, олимлар раҳбарлик қилади. Энг яхши натижа шу бўлдики, "Кичик академия"да "фан номзоди" унвонини олган Зумринисо Козимова шу йилги республика фан олимпиадасида она тили ва адабиёт фанидан 1-ўринни эгаллади. Албатта, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин фикримча, бу борада олиб борилаётган ишларимизни янада жонлантиришимиз, такомиллаштиришимиз ва барча лицейларга ёйишимиз керак.*

*Бунинг учун қилинадиган ишларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.*

**(Давоми 3-бетда)**

# УЗЛУКСИЗ МЕТОДИК ТАЪМИНОТ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

**Hay'at majlisida**

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида "Ўзбекистон Республикасида 2001 йилнинг олти ойи давомида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида" ҳамда "Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш тўғрисида"ги масалалар атрофлича муҳокама қилинди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, ҳайъат қарори билан "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида методик хизмат тузилмаси", "Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Услубий кенгаш тўғрисида Низом", янги таҳрирдаги "Республика Таълим маркази тўғрисида Низом", "Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар) халқ таълими тизими бўйича Методик хизматни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича йўриқнома" ва "Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети тўғрисида Низом" тасдиқланди.

Вазирлик иш режасида "Таълим жараёнининг моддий-техника таъминотини ривожлантириш ва уни замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ва истиқболли вазифалар" масаласи Андижон вилояти Балиқчи тумани ва Фарғона вилояти Қува тумани мисолида мазкур туманлар ҳокимлари иштирокида муҳокама қилиниши белгиланган эди. Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ҳамда Қува туман ҳокимининг сўровига биноан шу масала таҳлили ҳайъат қарори билан жорий йилнинг декабрь ойига кўчирилди.

Ҳайъат мажлисини вазир Р.Жўраев олиб борди.

Вазирлик ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар муҳокамаси газетанинг навбатдаги сонида батафсил ёритилади.

**А.БАҲРОМОВ**

*Milliy istiqlol g'oyasi*

**Илк манбалар 2-бет**

**Yangi alifboni o'rganamiz 3-бет**

**Ўзбегим жонин гаров қўйгай номус-ори учун 4-бет**

**Bolangiz maktabga tayyormi?**

# ОИЛАДАН МАКТАБГА

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан болалар боғчаларига қамралмаган 6-7 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлаш учун саводхонлик маркази ташкил этиш бўйича намунавий низом ҳамда ўқув режаси (72 соатлик) ишлаб чиқилди.

Зангиота туманидаги 25-"Ғунча" болалар боғчасида ана шу низом ва режа асосида "Қисқа муддатли — шанба ва якшанбалик гуруҳларида болалар боғчаларига қамралмаган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш"га бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда вилоят туманларидаги МТМ мудиралари, туман ХТБларининг услубчилари, соҳа мутахассислари иштирок этдилар. Тарбиячи С.Шаропова болалар боғчаларига қамралмаган 10 нафар ўғил-қиз билан "Болаларни саводга ўргатиш—"R" товуши билан таништириш"га оид машғулот олиб борди.

Машғулотда ИМЕН методикаси асосида болаларга билим бериш, саводга ўргатишда янги педагогик технология — сенсор тарбия, мантиқий ўйинлар, Б.Никитин тажрибасини қўллаш орқали болаларни "R" товуши билан таништириш, уларнинг бармоқ мускулларини ривожлантириш, тасаввур қилиш қобилиятларини ўстиришга алоҳида аҳамият берилди.

— Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш долзарб мавзу, — деди семинар қатнашчиси, ТДПУ педагогика-психология факультети катта ўқитувчиси М.Нурматова. — Болага ўргатишдан аввал ўша нарсани кўз олдига келтиришга — тасаввур ҳосил қилишга ҳаракат қилиш керак. Ана шунда мураккаб туюлган нарсани осон йўл билан тушунтириш мумкин. Адабий тилда сўзлашни ўргатиш лозим. Ребус, бошқотирма, саволлар бериш билан қизиқтириб билим берайлик. Мактабга тайёрлашда маҳорат, ижодкорлик керак.

Шунингдек, кенгаш иштирокчилари 18-болалар боғчасида ташкил этилган "Оналар мактаби" фаолияти билан танишдилар. Болалар боғчаларига қамралмаган болаларнинг ота-оналари "Оилангизда фарзандингиз ўйнаши учун қандай шароит яратилган? Ўйинчоқлари қаерда қандай сақланади? Фарзандингизнинг севимли ўйинчоғи қайси? Болангиз дўстларини уйингизга келиши учун рухсат берасизми?» каби анкета саволларига аниқ, лўнда жавоб бердилар.

Кенгаш юзасидан бўлган мунозарада профессор Азиза Зайнутдинова, Авлоний номидаги ХТХМОМИ доценти Фахриддин Хўжаев, мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича доимо ишлаб турувчи республика курси катта ўқитувчиси Муқаддам Ғайбуллаева ва бошқалар сўзга чиқишиб, болаларда фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, адабий тилда аниқ талаффуз қилишга ўргатиш, ота-оналар ҳам бу борада масъулиятни ҳис қилган ҳолда болаларига алоҳида эътибор қаратишлари лозимлигини таъкидлашди.

**Дилбар ХЎЖАЕВА,**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

# JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори билан парламентнинг навбатдаги олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тузилган депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• 2001 йил 29 июль якшанба куни 14 та сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди ва барча сайлов округларида 80 фоиздан кўпроқ сайловчиларнинг иштироки қайд этилди.**

**• Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти 1 сентябрдан бошлаб кундалик нефть қазиб олишни кескин камайтиришга қарор қилганликлари боис шу йил август ойи бошларига мўлжалланган ОПЭКнинг навбатдан ташқари йиғилиши қолдирилди.**

**• Россиянинг Қозон шаҳрида вабо тарқалганлиги ҳақидаги хабарлардан сўнг бу касаллик манбаи сифатида аниқланган шаҳардаги ифлосланган сув ҳавзалари аҳоли учун "ёпиб" қўйилди.**

**• Тайван ярим оролида душанба куни бошланган кучли тўфон оқибатида 92 киши нобуд бўлган, 150 дан зиёд одам дараксиз йўқолган ва қидирув ишлари олиб борилмоқда.**

**• "Катта саккизлик" давлатларининг Генуяда ўтган саммитида ОИТС ва бошқа юқумли касалликлар авж олган давлатларга ёрдам бериш мақсадида тузилган Халқаро жамғармага қисқа фурсатда 1,4 миллиард доллар (АҚШ) миқдоридаги маблағ келиб тушган.**

*Таълим вазирликлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, уларнинг мутасаддилари, олим ва мутахассислар зиммасида ниҳоятда катта ва масъулиятли вазифалар турибди.*



Milliy istiqlol g'oyasi

# ИЛК МАНБАЛАР



***Ушбу рукн остида берилган биринчи мақолада ёшларимиз, қолаверса аҳолининг бошқа қатлам ва гуруҳлари онгига миллий истиқлол ғояси асосий тушунчаларини етказиш, сингдириш зарурияти ва бу жараёнда нималарга эътибор қаратиш ҳақида батафсил тўхталган эдик. Албатта, аниқ қонуниятларни, тушунча ва тамойилларни ўзида жамлаган маълум бир фанни ўрганувчига тақдим этиш учун ўзига хос воситалар, манбалар ва ўқув адабиётлари талаб этилади. Уларсиз нимани бериб, нима олишимиз керак, деган шартли саволга жавоб топа олмаймиз. Шу боис ҳозир узлуксиз таълим турларининг барча ўқув дастурларига киритилган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича ҳам айнан шу мақсадга хизмат қиладиган манбаларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.***

Албатта, бу борадаги ишлар Президентимиз Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги маънавий-маърифий мавзуда билдирган фикрлари, ҳамда улар асосида яратилган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида белгиланган йўналишлар мазмун-моҳият нуқтаи назаридан олиб борилмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти ҳамкорлигида тайёрланган “Миллий истиқлол ғояси” библиография (I китоб) ва аннотацияли библиография (II китоб)ни айтиб ўтиш лозим. Ундан Мустақиллик йилларида чоп этилган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига оид баъзи адабиётлар рўйхати ва уларга шарҳлар жой олган. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов асарлари, мутахассисларнинг мазкур мавзуга тааллуқли китоблари, рисолалари, диссертациялари, мақолалари тўғрисида қисқа библиографик маълумотлар киритилган.





Ушбу қўлланмалар таълим муассасаларида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар“ фанидан дарс бераётган ҳамда жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётган мутахассислар учун аниқ йўналиш беради, уларнинг манбага мурожаат этишини осонлаштиради.

Шунингдек, бу борада Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда ЎзФА Тарих институти томонидан тайёрланган “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” библиографияси ва аннотацияли библиографияси муҳим аҳамиятга эга. Унда И.А.Каримовнинг миллий давлатчилик ҳақидаги асарлари, шунингдек мустақиллик йилларида олим ва мутахассисларимиз томонидан яратилган асарлар ўрин олган, Мустақил давлатчиликнинг тикланиши ва ривожланиши даврига тааллуқли энг муҳим манбалар ҳақида маълумотлар берилган. Бир гуруҳ олимлар томонидан тартибланган ушбу кўрсаткич китобхонларни Ўзбекистон ва унинг уч минг йилга яқин давр мобайнида мавжуд бўлиб келаётган давлатчилик тарихини ўрганишда йўналтирувчи вазифасини ўтайди. Айни пайтда мазкур тўпламларнинг электрон каталоги тайёрланди ва у мунтазам тўлдириб борилади.

Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 18 январдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси юзасидан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, **умумий ўрта таълим** дастурига (VII-IX синфлар учун) киритилган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича дастур ишлаб чиқилди ҳамда барча таълим муассасаларига етказилди. Унда ушбу фан вазифасидан келиб чиқилган ҳолда миллий истиқлол ғояси асосларини ўқувчилар қалби ва онгига сингдириш орқали уларда замонавий эътиқод ва дунёқарашни шакллантириш, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган, мустақил фикрли, маънавий баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қиладиган билимлар, ахлоқий меъёрлар ҳажми ўқувчилар ёш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда белгилаб берилган. Дастур мавзулари оддийдан мураккабга тамойили асосида ривожланиб, берилажак назарий билимлар амалий машғулотларда мустаҳкамланиб борилади.





Ҳозирда “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича дастур ва қўлланма “Маънавият” нашриётида чоп этилмоқда.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини таълим тизимига жорий этиш мақсадида 1—4-синфлар учун “Одобнома”, 5—6-синфлар учун “Ватан туйғуси”, 7—9-синфлар ўқув режасига киритилган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ўқув фани дастури ва дарсликларини яратиш бўйича танлов якунланди. “Миллий исттиқлол ғояси ва маънавият асослари” ўқув фанидан давлат таълим стандарти лойиҳаси ишлаб чиқилди.

1—,2—, 3—,4-синфлар учун “Одобнома”, 5, 6-синфлар учун “Ватан туйғуси” фанлари бўйича методологик комиссияси аъзолари томонидан аниқланган камчиликлар ҳамда жойлардаги экспериментатор ўқитувчилардан тушган таклифлар ва мулоҳазалар асосида муаллифлар гуруҳи томонидан қайта ишланмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ёшига мос равишда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” бўйича дастлабки билимларни ўзлаштиришини таъминлашга қаратилган иш режаси ва услублари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш мақсадида ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳлари учун тегишли ишланмалар тайёрланди.

1—4-синфларнинг “Она тили”, “Ўқиш”, “Тасвирий санъат”, “Мусиқа маданияти”, “Меҳнат” ўқув фанлари дастурлари мазмуни қайта кўриб чиқилди ва уларнинг мазмуни миллий истиқлол ғояси билан бойитилди.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг дастурларига “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи асосида тегишли қўшимчалар киритиш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда эксперт гуруҳига тақдим этилди.

Мазмунида миллий истиқлол ғоялари ўрин олган адабиётлар, қўлланмалар, рисолалар, методик тавсиялар рўйхати тузилди ҳамда мазкур адабиётлар, шунингдек, уларнинг муаллифлари ҳақида қисқача маълумотлар умумлаштирилмоқда ва унинг электрон каталоги яратилади.

**Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида** “Миллий истиқлол ғояси” ўқув курсининг услубий таъминотини яхшилаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. 40 соатга мўлжалланган тажриба-синов ўқув дастури барча таълим муассасаларига тарқатилди. Таълим рус тилида олиб бориладиган таълим муассасалари учун “Миллий истиқлол ғояси” ўқув дастури рус тилида чоп этилиб, жойларга етказилди.

Президент Ислом Каримовнинг “Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” рисоласи асосида тайёрланган миллий истиқлол ғоясининг тушунча ва тамойилларини таълим муассасаларида ўргатиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди ва жойларга етказилди.

Ушбу фанни юқори савияда ўқитишни таъминлаш мақсадида 6 донадан иборат плакатлар тўплами тайёрланди.

Бу соҳадаги ўқув қўлланмаларини тайёрлашда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи ҳаётий ва таъсирчан мисолларни кўпайтириш, фаннинг инсонпарварлик моҳиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тажриба-синов майдончалари ўқитувчилари таклифлари асосида ўқув дастури қайта ишланмоқда ва август ойида чоп этилади.

**Олий таълимда** вазирлик томонидан “Миллий итстиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича ўқув-методик қўлланмалар тайёрлаш борасида, аввало, дастур, дарслик, маъруза матнлари ва бошқа дидактик қўлланмаларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Ушбу фаннинг магистратура босқичлари учун тажрибавий ўқув дастури яратилиб, 2000/2001 ўқув йилининг 2-семестридан барча таълим муассасаларига тарқатилди. Шунингдек, маъруза матнларининг, аввало, дискет (электрон) вариантлари тайёрланиб, сўнгра улар чоп этилди.

Белгиланган тажриба-синов майдонларидан ҳамда шу йил июнь ойида ўтказилган ўқитувчи-профессорларнинг малакасини ошириш семинарида тўпланган тажрибалар, фикр-мулоҳазалар асосида намунавий ўқув дастури тайёрланди ва чоп этилди.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини олий таълим муассасаларида ўқитиш бўйича услубий тавсиялар “Кириш сўзи” тарзида ўзбек ва рус тилларида тайёрланди. Мазкур услубий тавсиянома ушбу фанни ўқитишда қатъий риоя қилиниши шарт бўлган асосий методологик қўлланма сифатида жойларда чуқур ўрганилмоқда.

Ундан ташқари ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича аввал тайёрланган ўқув дастурлари миллий истиқлол ғояси асосида қайта ишланди ва чоп этилди.

Мазкур фанни ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳамда уни ўтишда кўргазмалиликни таъминлаш мақсадида 5 қисмли “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” телефильми барча таълим муассасаларига тарқатилди.

Шунингдек, таълим муассасаларида ташкил этилган “Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йили” номли суратли кўргазма ва унинг маъруза матнини кенг аҳоли ўртасида тарғиб этиш мақсадида жойлардаги ҳокимликлар билан келишилган ҳолда аҳолининг барча табақаларини жорий йилнинг июль-август ойлари мобайнида маърузаларга таклиф этиш бўйича тадбирлар белгиланди.

Республика давлатчилиги ҳамда озодлик учун кураш тарихини ёритувчи ва мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ўзида акс эттирувчи ранг-баранг суратлар, расмлар, диаграмма ва жадваллардан иборат 11 та плакатлар мажмуи яратилди ва нашр этилмоқда.

Таълим тизимига жорий этилаётган илғор педагогик технологиялар ҳамда замонавий компьютерлар самарадорликка сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Улар асосий дарслик ва қўлланмаларга қўшимча тарзда кўргазмалиликни таъминлашда, ўқувчилар ва талабаларга ахборотни қизиқарли етказишда қўл келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг замонавий ахборот технологиялари Агентлиги (“NITEX”) томонидан тайёрланган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўтишда фойдаланиш мумкин бўлган “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”, “Ўзбекистон—2000”, “Амир Темур: шахсияти, давлати, ренессанс” ва “Ал-Фарғоний ва ал-Бухорий: цивилизациянинг яратилиши” мавзуларидаги (ўзбек, рус, инглиз тилларида) мультимедик қомус ва маълумотнома дастурлари шулар жумласига киради. Айни кунда ушбулар жойланган дисклар етарли даражада кўпайтирилиб, таълим муассасаларига етказилмоқда.

Бугунги кунда “Миллий истиқлол ғояси” ўқув фани бўйича олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун 2 та тажрибавий ўқув қўлланмаси, изоҳли кўргазмали воситалар тўплами, шу мавзудаги асосий тушунча, тамойил ва атамаларнинг қисқа шарҳлари берилган тажрибавий луғат тайёрланди. Кейинги иккита китобдан мактаб ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкинлиги ҳисобга олинди. Таълим муассасалари ўқитувчилари учун мазкур фан бўйича маърузалар тўплами ва амалий машғулотлар (семинарлар) мажмуи ҳам тайёрланмоқда. Уларни ўз вақтида чоп этиш ва жойларга етказиш таълим вазирликлари зиммасига юклатилган.

Албатта, бу борадаги ишлар энди бошланмоқда. Шу боис юқорида қайд этилганлардан мазкур соҳада ечилиши лозим бўлган масалалар йўқ деган хулоса келиб чиқмайди. Таълим вазирликлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, уларнинг мутасаддилари, олим ва мутахассислар



зиммасида ниҳоятда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Чоп этилаётган тажрибавий қўлланма ва ўқув адабиётларини янада такомиллаштириш, ёшларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда содда, тушунарли тилда ёзилган бошқа ёрдамчи услубий қўлланма, рисола, китоблар тайёрлаш жуда долзарб масалага айланмоқда. Ана шуларнинг барчаси ҳаммамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди, фаол ва омилкор бўлишга ундайди.

**“Миллий истиқлол ғояси” фани бўйича махсус методологик комиссия материаллари асосида тайёрланди.**

# МУАЛЛИМ, ЗАМОНАВИЙ ДАРС ВА ДАРСЛИК

**ёхуд уларнинг бир-бирига уйғунлиги хусусида**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

“Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси (8-синф)” курсининг “Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари” мавзусида эса аҳоли сонининг ўзгариши, унинг жойлашувига таъсир этувчи омиллар, “меҳнат ресурси” тушунчаси, мамлакат турли қисмларининг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ҳам асосий билимлар сирасига киради. Мамлакат аҳолисининг миллий таркиби, республиканинг сиёсий-маъмурий бўлинишига хос бўлимлар эса илгари ўрганилгани боис бу ерда ўзига хос тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Айтилганлардан ҳар бир дарсга хос мақсадни аниқлаш шунчаки осон иш эмас ва унга география таълими моҳиятини мукаммал билмасдан ёндашиш, юмшоқ қилиб айтганда, масъулиятсизликдир. Афсуски, айрим ҳамкасблар таълим мақсади билан ҳисоблашмай “дарслик маълумотга бой бўлса нимаси ёмон”, “буни ҳам дарсликка киритиш зарур” қабилида иш тутадилар. Натижада дарслик асоссиз қаппайиб, ўқувчини зўриқтиради, устозни мушкул аҳволга солиб қўяди.

Янги педагогик технологияга ўтилиши билан ҳар бир дарсда ўқувчи билимини назорат қилишга ҳожат қолмаётир. Стандарт, рейтинг, тест каби янгича меъёр, мезон ва усуллар шарофати ила ўқувчиларнинг билими ёппасига ҳамда тез аниқланмоқда. Курснинг муайян мавзуси ёки бўлими юзасидан ўқувчи билимини умумий назоратдан ўтказилиши туфайли вақт тежалмоқда. Бундай имкониятга мушарраф бўлиш шартларидан бири курсни дарслар тизими шаклида режалаштиришдир.

**Қуйида бутун курсни тизимли режалаштириш тарҳини тавсия этамиз.**

| Дарснинг тартиб рақами | Дарс мавзуси | Дидактик мақсади | Таълим методи | Амалий иш | Уйга топшириқ | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|

Юқорида таъкидлаганимиздек, алоҳида дарс мақсадини тўғри белгилаш ўта масъулиятли иш. Унинг қандай ҳал қилинишидан ўқитувчи салоҳиятини ва ҳатто дарс қандай кечишини олдиндан билса бўлади.

Ўқувчи билимини аниқлашдек бесамар дарс элементининг ихчамлашуви ҳисобига тежалган вақт эса янги материални ўрганишга йўналтирилади. Бу ўз навбатида уйга бериладиган топшириқ мазмунини ҳам ўзгартиради.

Баъзилар ўқувчи билимини кундалик назорат қилмаслик педагогик жараён назоратини, ўқувчининг предметга нисбатан ҳавасини сусайтирмасмикан, деган ҳадикка бормоқдалар. Менимча, рейтинг усулининг натижалари бундай безовталаниш асоссизлигини кўрсатмоқда. Айни вақтда дарсда ўқувчининг ибратли хатти-ҳаракатини “балли”, “офарин”, “бу таҳсинга лойиқ” дея оддий сўзлар орқали рағбатлантириш билан ҳам ўқувчининг фаоллиги етарли таъминланаётгани педагогик маҳорат соҳиблари тажрибасидан маълум. Аммо янги педагогик технология маҳсули бўлган замонавий дарснинг афзалликларига қаноат ҳосил қилсак-да, унинг истеъфодаси учун зарур воситалар етарли, дея олмаймиз. Чунончи, замонавий дарснинг асоси ҳисобланган ўқув методик мажмуа география фани мисолида қараладиган бўлса, ҳануз унинг ғариблигини пайқаш мумкин. Дарҳақиқат, ўқув методик мажмуа шаклланиши учун ҳали талайгина муаммолар ечимини кутмоқда.

**Жаҳонгир МУСАЕВ, РТМ табиий ва аниқ фанлар инновация бўлими етакчи методисти, география фанлари номзоди**

# БОЛАГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТИНГ!

**Аслида ҳамма жойда ўқишлар 25 майдан тамом бўлади ва фақат юқори синф ўқувчиларигина давлат имтиҳонларини топшириш учун июнь ойида ҳам мактабда бўлишади. Ёзги таътилга чиққан, ота-онаси узоққа юбормайдиган болалар ҳам қаердадир дам олиши, ҳордиқ чиқариши керак. Шунинг учун республика миқёсида шаҳардан ташқари оромгоҳлар билан бирга мактаблар қошида ҳам оромгоҳлар очилади.**

**Биз мана шундай оромгоҳларнинг Тошкент шаҳрида қанчаси фаолият кўрсатаётганлигини билиш мақсадида Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг бошлиқ муовини Намоз Рўзиқуловга мурожаат қилдик ва қуйидаги жавобни телефон орқали олдик.**

**—Биз болалар таътилга чиққач, 8 июндан 26 июнгача бўлган вақт мобайнида пойтахтнинг 25 та мактабида ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларини ташкил қилдик. Бу оромгоҳлар мактабларнинг 1-2-синф ўқувчилари бўлган 2500 нафар бола билан гавжум бўлди. М.Улуғбек туманида жойлашган, шаҳримизнинг сўлим гўшаларидан бири ҳисобланган “Боғи Эрам”да “Кока-кола”, “Нестле” компаниялари билан ҳамкорликда, шаҳар миқёсида 2 та байрам сайилини уюштирдик. Болажонлар 18 кун мириқиб дам олишди. Ҳар бир оромгоҳда иккитадан тўгарак фаолият кўрсатди.**

Yoz o'tmoqdami soz?

**Энди нима учун фақатгина бир мавсум оромгоҳ ишлаганига жавоб берадиган бўлсак, бунинг биринчи сабаби кўпгина мактаб ўқувчиларининг тоғли ҳудудларда жойлашган оромгоҳларда дам олишни исташи. Кўпчилик эса ўз уйида ота-онасига ёрдамлашиб таътилини ўтказмоқда. Иккинчи асосий сабаб эса маблағ муаммосидир. Агар бизда етарлича маблағ бўлганида қийинчиликлардан, маънавий-тарбиявий ишларни ташкил этишдан чўчимай оромгоҳлар ташкил этиб, яна мингга яқин болаларни дам олдирган бўлардик.**

**Н.Рўзиқулов берган маълумотлардан сўнг бир нарсани ўйлаб қолдик. Наҳотки энг катта ва бой ташкилотлар, компаниялар, чет эллар билан ҳамкорликда очилган фирмалар жойлашиб, фаолият юритаётган азим пойтахтда келажагимиз эгаларининг бугун мароқли дам олишини ўйловчи, янги ўқув йилига кўтаринки кайфият ва бардамлик билан боришини истовчи кишилар, ота-оналар бўлмаса? Наҳотки улар оддийгина инсонийлик нуқтаи назаридан савоб ишни қилишни хоҳламаса?**

**Ш.МАДРАҲИМОВА**

# КОЛЛЕЖГА КИРУВЧИЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Jarayon

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ўтган ўқув йилида иш бошлаган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи бухгалтерия ҳисоби ва қишлоқ хўжалиги машиналари жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш ихтисосликлари бўйича 50 нафар ўқувчи қабул қилган эди. Янги ўқув йилида яна тўрт мутахассислик — ҳуқуқшунослик, пайвандлаш, тикувчилик, фермер хўжалигини ташкил қилиш ва юритиш йўналишлари бўйича ўқувчилар қабул қилина бошланди.

Айни пайтда қайта таъмирланиб, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий коллеж биноси абитуриентлар билан гавжум.

— Мен бухгалтерия ҳисоби ихтисослиги бўйича ҳужжат топширдим, — дейди абитуриент Р. Шарафиддинова. — Бу касбга ёшлигимдан қизиқаман. Шундоққина уйимиз яқинида мазкур коллежнинг очилгани бизни жудаям қувонтирди. Чунки ҳар куни шаҳарга қатнаб ўқиш анчагина қийинчиликлар туғдирар эди. Агар коллежга кириб олсам бухгалтерия ҳисобини, замонавий компьютерларда ишлашни чуқур эгаллаб олиб, ўқишимни олийгоҳда давом эттирмоқчиман.

— Мен қизимни олиб келдим, — дейди янгийўллик Э.Тожиматов. — Бу ерда коллеж очилганидан хабарим йўқ экан. Қизим ҳисобчи бўламан деб ҳоли жонимга қўймади. Тўғрисини айтсам, шаҳарда ўқитишни чўнтак кўтармайди. Танишлардан уйимизга яқин жойда бу коллежнинг очилганини эшитиб, роса қувондим. Бунинг устига қизим хоҳлаган касбга ҳам ўқитишаркан.

— Бу йил анчагина тер тўкишга тўғри келди, — дейди коллеж раҳбари Ў. Ўринов. — Чунки, туманнинг чеккароқ ҳудудида жойлашганимиз учун кўпчилик ёшлар мазкур коллеж очилганидан хабарсиз эди. Шунинг учун мактабларга бориб тушунтириш ишлари олиб бордик. Очиқ эшик кунлари ташкил этиб, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини коллежимизга таклиф қилдик. Мана кўриб турганингиздек, натижалар ёмон эмас, бу ерда ўқиш истагини билдириб келаётган ёшлар кундан-кунга кўпаймоқда. Энди биргина муаммомиз қолди. Коллежимиз қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашга мўлжаллангани учун ўқув жараёнида тажриба хўжалигига эга бўлишимиз керак. Бу масала бўйича туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Тез орада бу масала ҳам ижобий ҳал бўлади деган умиддамиз. Бундан ташқари коллежимиз Осиё Тараққиёт банкининг лойиҳасига асосан икки йил давомида босқичма-босқич ишлаб чиқариш устахоналари ва лабораториялар учун керакли жиҳозлар билан таъминланиши режалаштирилган.

**Лутфулла СУВОНОВ**

# ЮКСАКЛИККА ЭЛТУВЧИ ИМКОНИЯТЛАР

*Ўқувчиларни ўзи қизиққан соҳалари бўйича йўналтириш, ўргатиш бўйича Марғилон шаҳридаги “LINE-X” компьютер ўқитиш маркази худди шундай ишларни муваффақият билан бажариб келаётган ўқув маскани ҳисобланади. Бу ерда нафақат туманнинг, балки Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидан келган ёшлар замонавий компьютер сирларини ўрганиб, ўз билимларини янада мустаҳкамламоқдалар. 1996 йил 6 сентябрдан фаолият юрита бошлаган марказни шу кунгача 500 нафардан ортиқ ўқувчилар битириб, ҳозирда юртимизнинг турли нуқталарида иш олиб боришмоқда. “LINE-X” маркази Марғилон шаҳрида ягона бўлиб, асосан хорижий тиллар ва компьютер сирларини мукаммал ўргатиш билан шуғулланади. Марказнинг моддий томонига бироз эътибор қаратадиган бўлсак, қарийб беш йилдирки, Марғилон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар тадбиркорлар палатаси ҳамда турли фирмалар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Маълумки, ҳозирда хориждан тажрибалар алмашиш, турли андозалар олиш, биргаликда фаолият юритиш кўплаб жойларда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.*

*— Энг замонавийликка интилиш шиори остида фаолият юритаётган “LINE-X” компьютер ўқув марказимиз ҳозирда барча вилоятлар билан яқиндан алоқаларни йўлга қўйган. Бундан мақсад аввало жойларда чет тили ва компьютер ўқув марказларини ташкил этиш, бекор юрган ёшларни иш билан таъминлаш, уларга керакли ёрдамлар кўрсатишдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори Зуҳриддин Қурбонов.*

*“LINE-X” компьютер ўқув маркази сингари таълим муассасалари жойларда янада кўпайиб, жамият ривожига муносиб хизмат қилиши, ёшларимиз эса яратилаётган имкониятлардан унумлироқ фойдаланишларини истаб қоламиз. Зеро, маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний айтганидек, “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, неъматидир”*

**Абдумутал ЎКТАМОВ, ЎзМУ журналистика факультети талабаси**

*Албатта, ушбу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири собиқ шўро даврдан қолган боқимандалик, кам меҳнат сарфлаб кўп нарсага эришиш, ўз манфаатини Ватан, халқ манфаатидан устун қўйиш каби иллатларнинг асоратидир.*

*Шунинг учун ҳам Тўқай бугунги мустақиллигимиз завқи ва дарди билан яшаётган ўзбек халқи ва адабиёти учун ҳар қачонгидан азиз ва мукаррам бўлиб кўринмоқда.*



# МАТЕМАТИК ДИПЛОМАТ БЎЛИШИ ШАРТМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

*Биринчидан, аввало, иқтидорли, истеъдодли, ноёб қобилиятли ўқувчиларни **аниқлаш**, уларни танлаб олишга алоҳида эътибор бериш, бунда танловнинг энг адолатли ва объектив усуллари ҳамда мезонлари ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши лозим.*

*Иккинчидан, танлаб олинган иқтидорли ўқувчиларни фан соҳалари бўйича **илмий изланувчанликка қизиқтириш** лозим. Тан олиш керакки, бугунги кунда ёшларнинг касб танлашларида номутаносибликлар мавжуд. Иқтидорли ўқувчиларнинг кўпчилик қисми асосан иқтисод, молия, ҳуқуқ каби мутахассисликларни танламоқдалар. Математика ва физика фанларини чуқур ўрганадиган аниқ фанлар йўналишидаги академик лицей ўқувчилари билан ўтказилган суҳбатлар ёки фан олимпиадаларида совринли ва имтиёзли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларнинг илмий йўналишдаги олий ўқув юртини эмас, балки дипломатия, иқтисод каби ихтисосликларни танлаётгани буни яққол кўрсатиб турибди. Айниқса, кейинги пайтларда ўқувчиларнинг физика фанига бўлган қизиқишлари сусайиб кетган. Албатта, ушбу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири собиқ шўро давридан қолган боқимандалик, кам меҳнат сарфлаб кўп нарсага эришиш, ўз манфаатини Ватан, халқ манфаатидан устун қўйиш каби иллатларнинг асоратидир. Шу сабабли, ўқувчиларни илмий ишларга қизиқтириш, математика, физика, кимё, биология, тарих каби фанлар олдида турган муаммолар ҳақида кўпроқ сўз юритиш, мамлакатимизда илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар, фан ва техниканинг тараққиётдаги беқиёс ўрни, шунингдек, фаннинг ривожи учун муносиб ҳисса қўшган ватанимиз олимлари тўғрисида кенгроқ ахборот бериб бориш лозим.*

*Учинчидан, ўқувчиларни **ижодий меҳнат қилиш**га ўргатиш лозим. Илмий изланиш олиб бориш, фан соҳасида бирор янгилик яратиш — жуда машаққатли, кўп меҳнат талаб қиладиган иш. Олим бўлишнинг игна билан қудуқ қазишга тенглаштирилиши ҳам бежиз эмас. Ўқувчилар ҳар қандай ютуққа ва натижага фақатгина меҳнат билан, ўз устида сабр-тоқат билан, тинмай ишлаш билан эришиш мумкинлигини чуқур англаб етишлари керак.*

*Тўртинчидан, иқтидорли ва истеъдодли, ноёб қобилиятга эга бўлган, илмий изланувчанлик ва ихтирочилик соҳасида ўз қобилиятларини намоён қилган ўқувчиларни **қўллаб-қувватлаш** ва **рағбатлантириш**га катта эътибор бериш лозим. Уларнинг ўз истеъдодларини янада ривожлантириши, таълимнинг кейинги босқичларида давом эттириши, халқаро олимпиада ва анжуманларда муваффақиятли иштирок этиши учун алоҳида моддий ва маънавий ғамхўрлик зарур. Бунинг учун фақат ўқув даргоҳи ва ўқитувчигина масъул бўлиб қолмасдан, кенг жамоатчилик — ҳокимият органлари, жамғармалар, маҳалла, корхона, ташкилотлар, ҳомийлар ҳам қайғуриши лозим. Фикримча, бундай ўта иқтидорли ёшларга нафақат қайсидир ота-онанинг ўғли ёки қизи сифатида, балки миллатнинг фарзанди, юртнинг бойлиги деб қараш, уни асраб-авайлаш лозим.*

*Бешинчидан, Фанлар Академияси ва унинг қошидаги институтлар, олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган олимлар, фан арбоблари, мутахассислар билан лицей ўқувчилари ўртасида узвий **алоқани йўлга қўйиш** ва **мустаҳкамлаш** зарур. Олимлар, мутахассисларнинг ҳисоботларини қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш жараёнида уларнинг лицей ўқувчилари билан ишлаганлиги, ўзига шогирдлар тайёрлаш учун замин яратаётганлиги, натижада, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини янада орттириб, маълум соҳа бўйича илмий изланувчанликка йўналтиришга ёрдам бераётганликлари алоҳида эътиборга олиниши зарур.*

*Диёримизда кўплаб буюк алломалар, мутафаккирлар, олимлар етишиб чиққан, улар ўз ақл-заковати билан бутун дунёни лол қолдирган, жаҳон илм-фани ривожига, инсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Биз бундан ҳар доим ва ҳар ерда фахрланиб юрамиз. Томирида буюк аждодлар қони жўш ураётган бугунги ёшлар орасидан улуғбеклар, ибн синолар, берунийлар, навоийлар, фарғонийлар етишиб чиқиши шубҳасиз. Бироқ, бунинг учун умумий гаплардан амалий ишларга ўтиш даркор. Президентимиз таъкидлаганларидек, **"ота-боболаримиз шуҳратининг соясига махлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди"**.*

**Мавлуда НИШОНОВА,**
**ЎМКҲТ Маркази бош мутахассиси.**

# YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

***11-дарс***
***L ва R ҳарфлари***

*Ўтган дарсимизда оҳангдош (сонор) ундош товушларни ифодаловчи ҳарфлар тўғрисида маълумот бериб, **M** ва **N** ундошларининг ёзилиши ҳамда имлоси билан танишган эдик. Ушбу дарсимизда ана шундай ундошлардан яна иккитаси, яъни **L** ва **R** ҳарфларини ўрганамиз.*

***L (l)** ҳарфи тилнинг олд қисмида ҳосил бўладиган, сирғалувчи, жарангли ён товушни ифодалашга хизмат қилади. Бу ундошнинг ён товуш дейилишига сабаб шуки, **L (l)** ундошининг талаффузи ҳаво оқимининг тилнинг икки ёнидан ўтиши билан амалга ошади.*

***L(l)** ҳарфи сатр чизиғининг устида ёзилади. Катта **L** ҳарфининг босма шакли алиф каби бўлиб, ёзма шаклларда эса тўғри чизиқ учининг ўнг томонга бироз тортилган кўринишида ўнгга қараб илгакланган, остки қисмини чап томонга тугунчалаб, сўнг сатр чизиғи бўйлаб ўнг томонга чизиш орқали тасвирланади, ёзиб кўринг: **Laziz, Livan, lutfiy.***

*Кичик **l** ҳарфининг босма шакли алифга ўхшаш тўғри чизиқдан иборат. Бу ҳарфнинг ёзма шаклини ёзиш ҳам унча қийин эмас: ёзма кичик **b** ҳарфининг юқори қисмига ўхшаш шаклда ёзилади. Қаранг: **lab, Lola** каби.*

***L (l)** ундоши соф туркий сўзларда сўз бошида деярли учрамайди, асосан, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг бош қисмида келади.*

*Масалан: **Лак-Lak, латта-latta, лицей-litsey, лутф-lutf, лўнда-lo'nda** каби.*

*Сўз ўртасида келган **l** ундоши сўзлашув нутқида баъзан талаффузда тушиб қолиши мумкин, лекин доимо ёзилиши шарт қаранг: **олса>оса-olsa, келган>кеган-kelgan, бўлса-бўса-bo'lsa.***

*Адабий талаффуз меъёрига мувофиқ, **L** ундоши олдинги қатор унлилари билан ёнма-ён келганда улар таъсирида юмшоқроқ айтилиши лозим. Масалан, **бил-bil, булбул-bulbul, кел-kel, кўл-ko'l, юл-yul** каби.*

*Орқа қатор унлилари ёки чуқур тил орқа ундошлари билан бирга келганда эса қаттиқроқ талаффуз этилиши тақозо қилинади. Масалан: **бўл-bo'l, хола-xola, ҳўл-ho'l, қўл-qo'l, қол-qol** каби.*

*Имлода **L** ҳарфининг қўшалоқ ишлатилиш ҳоллари кўп учрайди. Хусусан, **L** ундош ҳарфининг гумон олмошларини ҳосил қилувчи — **alla** — олд қўшимчаси, тақлид сўзлардан феъл ясовчи **-illa, -ulla** қўшимчалари таркибида қўшалоқ тарзда ишлатилишини унутмаслик лозим. Қаранг: **allakim, allanima, vizilla, gurulla** каби.*

*Олинма сўзларнинг ўзагида ҳам **L** ҳарфи қўшалоқ келади. Арабча сўзларнинг кўпроқ ўртасида, рус тили орқали ўзлашган сўзларнинг нисбатан охирида **L** қўшалоқ тарзда ишлатилиши фаолроқдир. Масалан: **pilla, tullak, muallim, metall, ball, kristall** каби.*

***R (r)** ҳарфи тилнинг олд қисмида ҳосил бўладиган, жарангли ва титроқ товушни ифодаловчи белги ҳисобланади. Бу товуш тил учининг қаттиқ танглайга тегар-тегмас титраб туриши натижасида пайдо бўлгани учун титроқ товуш саналади.*

***R** ҳарфининг босма катта шаклини кирилл алифбосидаги **P** нинг ўнг ёнига қия тортилган чизиқ чизиш орқали ифодалаш мумкин. Аммо ёзма катта шаклини ёзиш бир оз қийинроқ, шу билан бирга босма кўринишидаги **R** га ўхшашдир. Бу ҳарфни ёзишда, аввало, сатр чизиғи устига тик чизиқ тортиб, сўнг унинг юқори қисмига туташ ҳолда кичик доира чизилади ва ундан пастга қараб чизиқча тортилади. Ёзилиш тартиби **B** ҳарфининг ёзма шакли билан бир хил, аммо **B** даги пастки доирачанинг ўрнига чизиқча чизилади.*

*Ёзиб кўринг: **R, R, Rim, Rasul, Registon.***

*Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида кичик **r** ҳарфининг босма шакли кирилл ёзувидаги алифбодаги **r** ҳарфига ўхшаш. Бу ҳарфнинг ёзма шаклини ёзиш ҳам қийинчилик туғдирмайди, чунки кичик **r** нинг ёзма шакли кирилчадаги **r** нинг ёзма кўриниши билан бир хил ёзилади. Энди бу кичик **r** ҳарфининг босма ва ёзма шаклларини фарқлаб ёзиб кўринг: **r-r, r-, гар-gar, аграр-agrar, барг-barg, орган-organ.***

***R(r)** ҳарфи соф ўзбекча сўзларнинг бошида қўлланмайди. Форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларда сўз бошида келиб, нисбатан юмшоқ талаффуз қилинади. Масалан, **расм-rasm, рўмол-ro'mol, раис-rais, рўйхат-ro'yxat** каби.*

*Оғзаки нутқда **l,n** каби айрим ундошлардан олдин келганда, ўшаларга ўхшаш товуш тарзида айтилади, аммо аслига мувофиқ ёзилади. Қаранг: **карнай>каннай — karnay, зўрлик>зўллик — zo'rlik, тисирлади> тисиллади — tisirladi** каби.*

*Айрим қўшимчалар таркибида қўлланганда эса жонли нутқда **r** ундоши кўпинча талаффузда тушиб қолади, аммо бу ҳолат имлода акс этмайди. Масалан: **dadamlar>dadamla(r), keladilar>keladila(r), bormi?>bo(r)mi?***

*Шуни ҳам унутмаслик керакки, оғзаки нутқда **r** ундоши бошқа товушлар билан ўрин алмашиш хусусиятига эга, бу ҳолатни ҳам сўзларни тўғри ёзишда эсда тутиш лозим бўлади: **r-y: daryo>dayro, b-r: tebratmoq>terbatmoq, n-r: tuproq>turpoq, g'-r: to'g'ramoq>to'rg'amoq, r-l: zarur>zaril** каби.*

*Бу ҳарфнинг ҳам қўшалоқ келиш ҳоллари мавжуд. Масалан: **darrov, muharrir, tasarruf, pirr etmoq, irrigator** каби.*

*1-топшириқ. Таркибида **l** ундоши қўшалоқ тарзда келадиган қўшимчалар орқали янги сўзлар ясаб, лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида ёзинг.*

*Намуна: **var+illa=varilla.....***

*2-топшириқ. **r** ҳарфи жонли нутқда бошқа ёндош товушлар таъсирида ўзгарадиган сўзларни топиб, тўғри ёзилишини кўрсатинг.*

*Намуна: **zarar>zaral-zarar.....***

**Абдурозиқ РАФИЕВ,**
**ЎзМУ кафедра мудири,**
**филология фанлари номзоди,**
**доцент**

2001 йилда буюк татар шоири Абдулла Тўқай таваллудига 115 йил тўлади. Илғор татар адабиёти ва унинг етакчи вакилларидан бири Абдулла Тўқай билан ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг алоқалари ҳам самарали бўлган. Қуйида қардош татар халқининг улуғ шоири Абдулла Тўқайнинг ўзбек адабиёти билан алоқаси хусусида тўхталиб ўтамиз.

XX аср бошлари, айниқса, 1905 йилги биринчи рус демократик инқилобидан сўнг чор империяси территориясидаги барча маълум халқлар адабиётида бўлгани каби татар адабиётида ҳам муҳим ғоявий-бадиий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу жиҳатдан мазкур даврда Абдулла Тўқай шеърияти алоҳида ўрин тута бошлади. У аср бошидан бошлаб фақат татар янги миллий шеърияти учунгина эмас, уларга тарихий урф-одат, шароит, тил ва дин жиҳатдан яқин бўлган Туркистондаги барча туркий халқлар янги шеърияти учун ҳам таъсир этувчи кучга айлана бошлади. Бу жиҳатдан айниқса унинг мустамлакачилик ва маҳаллий золимлар зулмига қарши халқнинг оғир аҳволига ачиниш, жаҳолат ва қолоқлик, риёкорлик ва сотқинликни фош этиш, ўз юртининг истиқлоли ва халқ аҳволининг яхшиланишига умид, маърифати ва тараққиёти учун кураш руҳидаги "Кетмаймиз", "Бир татар шоирининг дегани", "Ўз-ўзимга", "Куз", "Юртимга" (1907), "Сарлавҳасиз", "Усули қадимчи", "Кўрсатур" (1908), "Жавоб" (1912) каби шеърлари муҳим роль ўйнади. Унинг татар халқи тилини улуғловчи "Она тили" ҳақидаги машҳур шеъри бу даврда турли ўзбекча, қозоқча ўқиш китобларида ҳам ўрин олиб, Туркистонда ҳам машҳур бўлиб кетди. "Боқирғондан", "Усули қадимчи", "Ўзимга" каби шеърлари 1908 йилдан бошлаб "Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларида, турли изоҳ ва тушунтиришлар билан босиб бориладi.

Ўзбекча "Садойи Туркистон" газетаси, қозоқча "Ойқоп" журнали Тўқай вафотининг бир йиллиги муносабати билан унинг хотирасига бағишлаб Таваллонинг "Марҳум Абдулла афанди Тўқаевнинг шеърига таъзмин" (1914) Муҳаммаджон Сералиннинг "Абдулла Тўқай ҳақида" номли шеър ва мақолаларини эълон қилди. Тўқайнинг "Бизни ўринсиз ёмонлайдилар" "Миллатимга", "Юртимга" каби шеърларига Таваллo "Бор сўзлар", Л.Олимий "Миллатим" (1914), А.Авлоний "Садоқат бизда йўқдур", "Жигар сўз" (1916), С.Тўрайғуров "Туған элима" каби турли ўхшатишлар боғлаб, шеърлар битдилар. Масалан, ўзбек шоири Тавалло ўзининг "Марҳум Абдулла афанди Тўқаевнинг шеърига таъзмин" шеърида улуғ татар халқ шоири Абдулла Тўқайга бўлган оташин меҳр-муҳаббати ва садоқат туйғуларини ўша йилларда шундай ифодалаган эди:

**Жумла фикрим кеча-кундуз сизга оид тилагим,**
**Сен саломат, мен фароғат, иллатингдир иллатим,**
**Марҳум Абдулло Тўқайдек ёш чоғимда кетмасам,**
**Ожизона шоиринг бўлмоққа бордир ниятим,**
**Энди йил тўлди вафотига Тўқайни деб бугун,**
**Боғладим шеърина тазмин, ёдланибдур у етим.**

.......................................

**Гар Тавалло шеъри Абдуллоға ёқса не ажаб,**
**Топшурди охиратда ёш-ёш икки етим.**

(Тўлаган Хўжамиёров. "Марҳум Абдулла афанди Тўқаевнинг шеърина таъзмин". "Садойи Туркистон" газетаси, 1914 йил 22 апрель).

Бу даврда Тўқай айниқса унга ғоявий-эстетик жиҳатдан яқин бўлган Ҳамза, Тавалло, М.Сўфизода каби илғор ўзбек шоирларининг маърифатпарварлик ва халқпарварлик руҳидаги шеърларига самарали таъсир кўрсатди. Бу жиҳатдан Ҳамзанинг "Қизлар ва йигитлар диалоги", "Рамазон" (1914-1915) шеърлари билан

# ҲУРЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ШОИР

А.Тўқайнинг "Бугун байрам" (1908), "Насиҳат" шеърларини қиёслаш характерлидир.

Айниқса, Тўқайнинг "Насиҳат" шеъри билан Ҳамзанинг "Рамазон" (1914) шеърлари ғоявий-бадиий жиҳатдан бир-бирларига жуда яқин бўлиб, ҳар икки шеърда ҳам чор мустамлакачилиги давридаги ўзбек ва татар халқларининг оғир аҳволи, қашшоқлиги, оҳу зорларига ачинишдаги ҳамоҳанглик очиқ сезилиб туради. Ҳар икки шеърга хос бўлган мавзудаги умумийлик (хасис бойлар ва тиланчи, гадойлар), уларнинг ички мазмунидаги маъно яқинлиги, образлар ҳамоҳанглиги ("Бугун сен бой бўлсанг, эртага шайтондан ҳам баттар камбағал бўлиб қолишинг мумкин; камбағал бир кун шоҳ бўлиб, шоҳ вақти келиб гадой бўлиб қолиши мумкин" каби) ва пировардида илғор ижтимоий-сиёсий ғоя яқинлиги ва бошқалар Ҳамзанинг бу даврда Тўқайдан таъсирланиб асарлар ярата бошлаганини кўрсатади.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг икки ой ўтгач, Тошкентда Тўқай таваллудига бағишлаб адабий кеча бўлиб, ундан тушган фойдага шоирга шаҳарда ҳайкал ўрнатиш белгиланди. Бу ҳақда "Улуғ Туркистон" газетаси ўзининг 1917 йил 25 апрель сонидаги "Тўқай кечаси" мақоласида шундай ёзади: "Кеча тўрт бўлимдан иборат бўлиб, 1, 2, 3-пардаларда Фотима Сутушова, Мансура Ёқубова ҳам Шоҳида Бойбурова туташлар Тўқай ҳақида бошқаларнинг фикри, "Тўқайнинг хотин-қизларга қараши ва уларнинг ниндей ўринлар тутарга тевишлиги", Нуриддин Сейфулмуликов Тўқайнинг таржимаи ҳоли, Ф.Султонбек татарнинг сўнгги ўттиз йил даври, Гаспиринский ва Тўқайнинг татар миллатина кўрсатган хизматлари ҳаққинда сўйладилар. Бир неча киши тарафиндан Тўқайнинг шеърларидан бир нечаси дикламация этилди. Хўр, жир ҳам миллий музика бўлди. 4-пардада жонли сурат этилиб, Тўқайнинг халқни маданият ва маорифга ундови кўрсатилди.

Кечада Тўқайнинг очиқ хатга туширилган расмлари, чечаклар, програмлар сотилди. Мўътабар хонимлар тарафидан букет ишланган эди. Буниси кечанинг зийнатини тағинда орттирди. Халқ ғоят кўп эди. Бик мамнун бўлиб таралдилар..."

20-йиллар бошларида Туркистонда Алишер Навоий, Абай асарлари қатори татар адабиётининг Ғ.Камол, С.Рамиев, Ш.Бобич, А.Тўқай каби вакиллари асарлари ҳам маҳаллий матбуотда ёритила бошланди. Тўқайнинг машҳур "Она тили", "Шурали", "Мужик уйқуси" асарлари Абдулла Авлоний, Элбек ва бошқаларнинг турли ўзбекча ўқиш китобларида ҳам босила бошлади. Тошкентда ўзбек ва татар адабиётлари дўстлиги, Тўқай кечалари бўлиб ўтди. "Иштирокиюн" газетаси (1920 йил 26 апрелда) шоир туғилган кун муносабати билан "Шарқ шоири ўртоқ Абдулла Тўқаев" номли махсус редакцион мақола бериб, уни шарқнинг ўтмишдаги буюк мутафаккирлари Ал-Муаррий, Ҳофиз, Ҳайём, Саъдий, Навоийлар билан қиёслайди.

Айниқса, бу даврда, мазлум татар халқининг озодлик, эркинлигини қўмсовчи, халқлар дўстлигини тараннум қилувчи, жаҳолат ва қолоқликни фош этувчи, маърифат ва миллий тараққиётни куйловчи шеърлари ўзбек халқи орасида машҳур бўлиб кетади. Янги миллий ўзбек, қозоқ адабиётининг Ҳамза, Чўлпон, А.Қодирий, Мағжон Жумабой каби вакиллари, турк адабиётидан Тавфиқ Фикрат, озарбойжон адабиётидан М.Собир асарлари каби татар адабиётидан Тўқай миллий шеърлари ва ижтимоий сатирасини ҳам даврнинг янги тарихий, ижтимоий-сиёсий вазифалари нуқтаи назаридан ўзлаштиришга уриндилар. Бу даврда Чўлпон, Мағжон Жумабой, Элбек ва бошқалар Тўқай шеърларидан кўпроқ унинг ижодидаги баъзи бир миллий истиқлолни орзу қилувчи руҳдаги шеърларига эътибор бердилар, улардан кўпроқ таъсирландилар. Бу жиҳатдан айниқса Тўқайнинг татар халқининг келгуси миллий истиқболи ва истиқлолини орзу қилиб ёзган "Ўз-ўзимга", "Куз", "Миллата" (1906), "Лаззат ва там нарсада?" (1907), "Ёшлар" (1910) сингари оташин миллатпарварлик руҳидаги шеърлари билан 20-йиллар янги ўзбек миллий шеъриятининг байроқдори Чўлпоннинг Туркистон халқлари миллий истиқлол ва равнақини қўмсаб ёзган "Куз" (1921), "Яна қор", "Кўклам" (1924), "Ҳақиқат йўли бир ўтилгуси" каби шеърлари орасида муайян ғоявий яқинликларни кўриш қийин эмас. Буни, айниқса, Абдулла Тўқайнинг "Ўз-ўзимга" (1906) шеъридаги:

**Юракдан севаман бахтин татарнинг,**
**Кўрсайдим улғайиш вақтин татарнинг**

ёки бўлмаса бошқа яна бир шеъри ("Куз" — 1906)даги:

**Эй, фақир миллатим, қачон баҳоринг?**
**Қачон кетар кечинг, келар наҳоринг?**
**Келарми мен қабр томон сурилгач,**
**Ўлиб, қиёматда қайта тирилгач —**

сатрлари билан Чўлпоннинг:

**Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,**
**Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди.**

("Кўклам келадир!" (1924) шеъридан)

сатрларини ва яна унинг бошқа бир шеъридаги:

**Йиғлама юртим агарчи бу кунингда йўқ баҳор,**
**Келгуси кунларда бахтинг юлдузи порлаб қолар, —**

сингари ўзбек халқининг тоталитар тузум истибдодидан қутулиб, истиқлолга эришувини орзу қилиб ёзган мисраларига солиштирганда очиқ сезиш мумкин.

Ўлкамизда Тўқай ижодига бўлган қизиқиш 30—50-йилларнинг оғир иқтисодий ва сиёсий шароитида ҳам сусайгани йўқ. Унинг ўлмас асарлари бу йилларда ҳам ўзбек ўқувчилари орасида Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Абай, Махтумқули асарларидек севилиб, ардоқланиб ўқилди, ёд олинди, у ҳақда кўплаб мақолалар ёзилди, ташвиқ ва тарғиб этила борди (урушдан кейинги йилларда Тўқай асарларининг ўзбек тилига янги таржималари 1946 йилда нашр этилди). 1961 йили шоирнинг аввалги таржималари янада тўлдирилиб, янги таржима асарлар билан бойитилиб қайта нашр қилинди. Бу таржималарда атоқли ўзбек шоирлари Ғ.Ғулом, Уйғун, Миртемир, А.Мухтор ва бошқалар фаол иштирок қилдилар. Тўқайнинг 80, 90 ва 100 йиллик юбилейи кунлари унинг туркий халқлар адабиётидаги ўрни, айниқса, Ўрта Осиёдаги ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ адабиётларига кўрсатган таъсирлари ҳақида С.Муқонов, Ғ.Ғулом, И.Султон, Ч.Айтматов, Л.Қаюмов, С.Мамажонов, Абдулла Орипов, Иброҳим Юсупов ва бошқалар турли мақола ва шеърлар ёздилар.

Жумладан, Ғ.Ғулом А.Тўқайнинг ўзбек адабиёти билан алоқаси ҳақида фахрланиб: "Тўқайни фақат татар халқининг шоири деб аташ кифоя қилмайди. У, албатта, татар халқининг фахри, аммо шу билан бирга, Тўқай Россияда яшаган бошқа кўпгина туркий халқлар орасида, даставвал ўзбек зиёлилари орасида машҳур эди. Тўқайни эслар эканмиз, татар адабиётининг ўзбек адабиёти билан алоқаси, угина эмас, умуман, ўзбек халқи билан татар халқининг тарихий алоқаси кўз олдимизга келади. Ҳозир ҳам ўзбек мактабларининг адабиёт дастурида Тўқай ижодининг акс эттирилиши, Тўқай асарларининг ўзбек тилида тадрижий равишда нашр этилиши, Тошкентдаги марказий кўчалардан бирининг Абдулла Тўқай номи билан аталиши ўзбек халқининг шоирга бўлган ҳурмат ва муҳаббатининг далолати, ўзбек ва татар халқи ўртасидаги тарихий дўстликнинг аломатидир", деб ёзган бўлса, бугунги ўзбек шеъриятининг яловбардорларидан Ўзбекистон Қаҳрамони ва Халқ шоири Абдулла Орипов ўзининг "Нурли Тўқай" шеърида улуғ устози Ғафур Ғуломнинг буюк татар шоирига бўлган чексиз меҳр ва муҳаббатини давом эттириб, унга таъзим билан шундай дейди:

**Мен демам асло сени: шўрлик Тўқай,**
**Дардлисан, лекин мудом нурли Тўқай.**
**Чунки сен озод замонни истадинг,**
**Мақсадинг ҳурлик эди, ҳурлик, Тўқай.**
**Ўзбегу татар, қозоқ, бошқирд бўлиб,**
**Кўринурсан менга гоҳ, турлик Тўқай.**

Ҳа, севимли шоиримиз Абдулла Орипов ёзганидек, Тўқай ҳақиқий, эркин, озод замонни орзиқиб кутган эди. Шундай эркин, мустақиллик замони бугун татар халқига ҳам, унга қондош ва жондош бўлган ўзбек халқига ҳам насиб қилди. Шунинг учун ҳам Тўқай бугунги мустақиллигимиз завқи ва дарди билан яшаётган ўзбек халқи ва адабиёти учун ҳар қачонгидан азиз ва мукаррам бўлиб кўринмоқда.

**Шерали ТУРДИЕВ**

# БУ ТИЛНИНГ ҲАМ ЎЗ ЎРНИ БОР

Мустақилликнинг ўнинчи йилига қадам қўйдик. Ўтган давр ичида ҳамма соҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришдик. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида 100дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар биргаликда Ўзбекистоннинг янада ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Бу халқларнинг бирлашиб меҳнат қилишида рус тилининг ҳам ўрни бор, албатта.

Собиқ коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг айрим юқори мартабали намояндалари 1938 йилнинг ўрталарида рус тилини Совет Иттифоқига бирлаштирилган республикалардаги барча миллий мактабларда мажбурий фан сифатида ўқитиш ҳақида қарор чиқарди. Бу қарор билан айрим шовинистлар ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа халқларни руслаштиришга қаратилган махфий ниятни кўзда тутганлар. Амалга ошиши мутлақо мумкин бўлмаган бу қора ниятдан қатъи назар, ушбу қарордан кейин рус тилини ўрганиш анча авж олди. Тил билган эл билади. Рус тили — коммунистлар, шовинистлар тили эмас, дунё тан олган, жаҳон интеграциялашуви жараёнида ўз ўрнига эга бўлган тилдир. Рус тилини мукаммал эгаллаб олган қобилиятли ёшлар ўзларини тез орада фан-техника соҳаларига урдилар, натижада ўн-ўн беш йил ичида юзлаб фан докторлари, минглаб фан номзодлари, ўн минглаб олий маълумотли кишилар етишиб чиқди. Ҳабиб Абдуллаев, Ҳосил Фозилов, Собир Юнусов, Адҳам Юнусов, Муҳаммад Ўрозбоев, Ҳосил Боймуҳамедов, Ҳамид Сулаймон, Зулфия, Иброҳим Мўминов, Яҳё Ғуломов каби академиклар, фан докторлари, профессорлар шулар жумласидандир.

Рус тилини ўрганиб, билиб олган халқлар, шу жумладан ўзбек халқи дунё халқлари маданияти билан танишди, дунё воқеаларидан хабардор бўлди, уларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлди, тафаккури ривожланди. Рус тилини билиш республикамизда фан-техника тараққиётига, жамиятимиз ривожига катта ёрдам берди.

Маълумки, рус тили сўз бойлиги жиҳатидан жаҳондаги тиллар орасида иккинчи ўринда туради. Инглиз тилида 450000дан ортиқ сўз бўлса, рус тилида 440000дан ортиқ сўз бор. Рус тили — БМТда жаҳон тилларидан деб тан олинганлиги барчамизга маълум. Рус тилини билган киши, дунёнинг қаерида бўлмасин, маҳаллий халқлар билан тил топиша олади, чунки рус тили жуда кўп мамлакатларда хорижий тил сифатида ҳам ўқитилади.

Икки ва ундан ортиқ тилни эгаллаган киши ҳеч кам бўлмайди. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, рус тилини ўрганиш ўз она тилига — ўзбек тилига эътиборнинг сусайишига олиб келмаслиги керак. Баъзи бир амалдорлар она тилига ҳурматсизларча қараб, иш жойларида, ҳатто оилаларида ҳам фақат рус тилида гапириб, ўз она тилларини унута бошлаган пайтлар ҳам бўлди. Бу тоифа кишилар ўзбек тилини камситиб, катта хатога йўл қўйганларини тез орада тушуна бошлади.

Хуллас, ўз она тилларини мукаммал билган ёшларимиз рус тилини ҳам чуқур билиб, эгаллаб олсалар, мустақил республикамизнинг янада гуллаб-яшнашига, ривожланишига, буюк давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишига, республикамизда фан-техника янада юқори чўққиларга кўтарилишига ўз ҳалол меҳнатлари билан салмоқли ҳисса қўшадилар.

**Отақўзи АЗИЗОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети профессори**

# ЯНГИ АСР КУТУБХОНАСИ

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кутубхонаси 1931 йилда ташкил этилган бўлиб, республикада ягона иқтисодий адабиётлар билан ишлаш бўйича услубий марказдир. Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлари орасида энг йирик кутубхона ҳисобланган ТДИУ кутубхонаси илмий-ўқув адабиётлар заҳираси билан тўлиқ таъминланган. У 3 қаватли бинода жойлашган бўлиб, 4 та махсус қироатхона, иқтисодга оид адабиётлар билан хизмат кўрсатиш жойлари, кутубхона ишларини автоматлаштириш ва компьютерлаш бўлими, чет эл адабиёти бўлими ва бошқалардан иборат. Умумий фонд — 883067, 1991 йилдан бери кутубхонага олинган адабиётлар сони — 207672 тани ташкил этади. Умумий китобхонлар сони — 15278 нафарга яқин.**

**Ҳар йили келишиб олинган ҳолда ТДИУ қошидаги қимматбаҳо қоғозлар бозори бўйича мутахассислар тайёрлаш миллий маркази тингловчиларига, малака ошириш институти ўқитувчиларига, бошқа университет талабалари, лицей, бизнес-мактаб ўқувчиларига кутубхона бўлимлари тўлиқ хизмат кўрсатиб келмоқда.**

**Кутубхона университетнинг "Иқтисодий билимлар тарқатиш маркази" таркибида фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда ва чет элларда чоп этилган янги адабиётлар билан ўқув жараёнини ташкил этишда катта ишларни амалга оширмоқда.**

**Кутубхонанинг чет эл адабиёти бўлими турли чет давлатлар билан халқаро алоқалар натижасида рус, инглиз, немис, француз каби хорижий тиллардаги китоблар билан тўлдирилган.**



**Автоматлаштириш ва компьютерлаштириш бўлимининг асосий мақсади, кутубхонанинг иш жараёнларини босқичма-босқич компьютерга киргизиш, ИРБИС дастури бўйича ишлашини таъминлаш, интернет орқали боғланиш, маълумотлар базасини дискет ёки бошқа алоқа воситалари орқали ўзаро айирбошлашни ташкил этишдир.**

**Маъруза матнлари дискетларда ҳамда компьютер хотирасида сақланган. Бу эса махсус қайдномa-китобда белгиланган.**

**Бундан ташқари мунтазам равишда нашр этилаётган "Жамланма каталог"ни чиқариб, республиканинг бошқа кутубхоналарига тарқатишда илмий-иқтисодий ахборот маркази ходимлари жонбозлик кўрсатишаяпти.**

**Дилсора СУЮНОВА**

# АДАБИЙ МЕРОС АБАДИЙ БЎЛСИН

Бой маданий меросга эга халқмиз. Уни асраш ва келажак авлодга етказиш бугунги авлоднинг вазифасидир. Зеро, бугун — кеча ва эртанинг боғловчиси. Навоий вилоятида яқинда ташкил қилинган Пўлкан шоир инсонпарварлик жамғармасининг бош мақсади ҳам шу. Миллий истиқлол ғояси, маънавият тушунчаларини англаб етиш маданий меросимиз бўлган халқ оғзаки ижодини ўрганиш билан ҳам шаклланишини ҳисобга олсак, бу мазкур жамғарманинг яна бир вазифаси эканлиги аён бўлади. Халқ оғзаки ижодининг унутилган намуналарини ўрганиш, тарғиб қилиш жамғарма фаолиятининг негизини ташкил қилади. Пўлкан шоир ва унинг сулоласи ҳаёти, ижоди, қолдирган меросини кейинги авлодга тўла-тўкис етказиш жамғарманинг асосий мақсади этиб белгиланган.

— Пўлкан шоир 74 та халқ достонларини ёддан билган. Демак, унинг ижодини ўрганиш, халқ тарихини, қадриятларини, ўтмиш турмуш тарзини, меросини ўрганишдир, — дейди жамғарма раиси, шоира Саодат Пўлканова. — Бу йил Хатирчида Пўлкан шоир боғи яратилди. Яна Хатирчи халқ музейида алоҳида хона ажратилиб, турли экспонатлар билан бойитилмоқда. Бу йилги режамизда Умарқул Пўлкан хотирасига бағишлаб хайрия тадбири ўтказиш ҳам мўлжалланган.

Жамғарма ташкил этилди. Унга халқнинг муносабати яхши. Жамғармани Ёзувчилар уюшмаси, хусусан, Абдулла Орипов қўллаб-қувватлаб ёрдам бермоқда. Шу ўринда шоирлар сулоласининг бугунги вакили яна бир гапни айтиб қолди: "Ҳомийлар эътибори кўпайса...".

Жамғарманинг ўзига хослиги шундаки, у фақат Навоий вилоятида фаолият кўрсатади.

— Барча адабиётимиз, миллий қадриятларимиз жонкуярларини жамғармамизга кўмак беришга чорлайман, — дейди Саодат Пўлканова.

**Шерали НИШОНОВ**

*Тасаввур қилинг: биринчи тугмача босилганда экранга Алишер Навоийнинг рангли сиймоси чиқади. Шу заҳоти Навоий ўқувчи билан мулоқот қила бошлайди.*

*Хонамизнинг калити 2 та бўлса, ўша куни калитнинг бири менда эди. Пул эса мен кўйлак харид қилган кундан бир кун олдин йўқолган эди.*



Ko'ngil bitiklari

# ЎЗБЕГИМ ЖОНИН ГАРОВ ҚЎЙГАЙ НОМУС-ОРИ УЧУН

***Шеър — самимиятдан туғилади. Дўстмуҳаммад Дўст — самимий шоир. Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ишлайди. Самимий инсонлиги, гўзал туйғулари ифодаланган шеърлари боис жамоадагиларнинг, шогирдларининг меҳрини қозонган. Унинг Ватанимиз мадҳидаги шеърларидан сизга ҳавола қилаётирмизки, ушбу ўзбекона қалб оҳанглари сизга ҳам маъқул келгай, деган умиддамиз.***

## ЎЗБЕККА ХОС

*Ўзбегим, жону дилим, ўзликка хос бўлган элим,*
*Бирда қудрат, бирда ҳикмат сўзликка мос бўлган элим,*
*Бани башар нигоҳида жавҳар — мумтоз бўлган элим,*
*Камтаринлик, комронлик, эзгу иш ўзбекка хос.*

*Арзир сабоқ олса жаҳон наққошу меъморидан,*
*Кўзларга нур балқигай зардўзларин туморидан.*
*Ўз жилосин камалак олган ипагин торидан,*
*Ҳар ҳунар шавқи учун жон куйдириш ўзбекка хос.*

*Ўзбегим жонин гаров қўйгай номус-ори учун,*
*Икки дунёсин берар волидаси, ёри учун,*
*Ҳасратин ёзмас бировга қўлда йўқ-бори учун,*
*Сабру матонат бобида тик туриш ўзбекка хос.*

*Шубҳагар бўлган биродар, ўзбегим шонини кўр,*
*Тупроғин саховати, тилло, маъдан конини кўр.*
*Наҳори ошига ўт, ноз-неъмати, нонини кўр,*
*Меҳру ҳиммат чўққисига талпиниш ўзбекка хос.*

*Дўстмуҳаммад Дўстни авф айласин аҳли мижоз,*
*Ўйноқи бир туйғу билан мақтаниб қўйди бироз.*
*Бобоси Ғафур Ғулом ғазнасидан мерос бу соз,*
*Ки топса меҳнатдан қадр, мақтаниш ўзбекка хос.*

## ЎЗИМНИКИ

Бу Ватаннинг гулу чечак бутоғи ҳам ўзимники,
Тоғи тошу қир-адири, қумлоғи ҳам ўзимники.
Яшнаган барг, хазонрезги япроғи ҳам менинг таним,
Сийнасида зар ундирган тупроғи ҳам ўзимники.

Сулувларин сочларининг шокиласи нурни кесар,
Ўғлонлари ўктам боқса назари-ла дурни кесар,
Ҳусн билан тортишса гар бу юрт жаннат, ҳурни кесар,
Оби кавсар чашмаси-ю, чорбоғи ҳам ўзимники.

Миртемирни йиғлатган эл кўкайимни куйдирса ҳам,
Дўсту қондош четда қолиб баъзан ётни кулдирса ҳам,
Шу эл қилар кори борим сўлдирса ҳам, суйдирса ҳам,
Ундан келар ажри эҳсон, таёғи ҳам ўзимники.

Ёлғиз шу эл чидар менинг гоҳ шўхлик, гоҳ озоримга,
Шу эл қулоқ туттай нола чексам агар оҳ-зоримга,
Сийласа гар бир куни туғ кўтаргайдир мозоримга,
Гар олганим раҳмат-қарғиш, увоғи ҳам ўзимники.

Юртдан ўзга давлатим йўқ, ҳам ишонган сўзим давлат,
Шодлигимга боис бўлган гиря жаҳон кўзим давлат,
Инсон бўлиб туғилганим шукронаси ўзим давлат,
Бу умрнинг айрони-ю, қаймоғи ҳам ўзимники.

## КЕЛ, ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕР, ВАТАНДОШ!

Энг олий ниятга боғлаб бел,
Бир-бирин бовурим деса эл.
Ҳабқирар туйғулар бўлиб сел,
Шу хайри савобга қўшиб бош,
Кел, қўлни қўлга бер, Ватандош!

Бир бўлса шоҳ, аъён, фуқаро,
Топгайдир меҳридан юрт оро.
Қолмагай юракда кир, қаро,
Кўзларда чақнагай севинч ёш,
Кел, қўлни қўлга бер, Ватандош.

Бу замин, бу маъво қайда бор?
Бундайин сув-ҳаво қайда бор?
Дардларга нур даво қайда бор?
Эгилгай пойингга ой-қуёш,
Кел, қўлни қўлга бер, Ватандош!

Азалдан тур-турли элатсан,
Ғунчанинг баргидай қат-қатсан.
Тоабад бағри кенг миллатсан,
Ўзбегим сенда кўп қон-қардош,
Кел, қўлни қўлга бер, Ватандош!

Бир бўлиб нур томон юрайлик,
Пок яшаб ҳур томон юрайлик.
Меҳр-ла кўр томон юрайлик,
Бўлайлик ҳамжиҳат, ҳам дилдош,
Кел, қўлни қўлга бер, Ватандош!

# НАВОИЙ СИЙМОСИ — КОМПЬЮТЕРДА

*Тарихдан маълумки, Шарқ халқлари дунё илмида етакчи ўринларни эгаллаб келган. Бу фалакиёт, математика, жўғрофия, тиббиёт каби дунёвий фанларнинг асосчилари айнан бизнинг аждодларимиз, боболаримиз эканлигидан ҳам аён. Адабиёт ва санъат соҳасида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий нафақат туркий халқлар адабиёти, балки жаҳон адабиёти ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган.*

*Ёш ва мустақил мамлакатимизда таълим-тарбия сифати ва кўлами дунёнинг ривожланган давлатлари билан рақобатлашмоқда. Ўқитиш жараёнларига фан-техника, компьютер дадил кириб келмоқда. Ҳозирги ёш авлод компьютер сирларини мукаммал эгаллашга қодир. Шу боисдан аждодларимиз меросини компьютерлар орқали ўрганишни йўлга қўйиш вақти келди. Галдаги вазифа, боболаримиздан қолган бебаҳо илмий-фалсафий қарашларни компьютерли мулоқот дастурларида ўрганишдир. Шу борада ўзимизнинг айрим таклиф ва мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз. Зеро, улуғ боболаримиздан шундай маънавий бойлик қолганки, уни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Миллий қадриятларимизни ўқувчилар орасида кенг тарғиб қилишнинг ўзи таълимни ислоҳ қилишга қўшилган муносиб ҳиссадир.*

*Мисол учун "Одобнома" дарсларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ фактлар асосида ёшларни она-Ватанга содиқ, ота-онага ғамхўр, ўзини қуршаб турган оламнинг гўзаллигини тушуниш, уни сақлай билиш каби фазилатларни ривожлантириш имконияти яратилди. Улуғ аллома, шоир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг ёшлик чоғларини ибрат маъносида бошланғич синфларда ўргатиб борилса, уларда фанга бўлган иштиёқ, одоб, муомала санъати ривожланади. Бунинг учун ўқитувчи болаларга компьютерда ишлашни ўргатса, бас. Компьютер дарҳол болаларга Навоийнинг болалиги билан боғлиқ бўлган қизиқарли маълумотларни беради.*

*Тасаввур қилинг: биринчи тугмача босилганда экранга Алишер Навоийнинг рангли сиймоси чиқади. Шу заҳоти Навоий ўқувчи билан мулоқот қила бошлайди.*

*— Ассалому алайкум, билимдон, зукко фарзандим! Мен сиз билан кўпдан бери танишмоқчи эдим. Сизда ҳам шу истак туғилганидан жуда хурсандман. Энди менга саволларингиз бўлса, марҳамат! Олдингиздаги рақамли тугмачани боссангиз, сизни қизиқтирган саволингизга жавоб бераман.*

*Шундан сўнг экранга рақамлар қатори чиқади.*

*1. Мен туғилган сана ва шаҳар?*

*2. Менинг ота-оналарим?*

*3. Мен ўқишга қандай қизиққанман?*

*4. Мени устозларим уришганми?*

*5. Ўзимдан катта ва кичикларга қандай муносабатда бўлганман?*

*6. Табиатга бўлган муносабатим?*

*7. Сиз ҳам катта бўлгач, яхши инсон бўлишни хоҳлайсизми? Унда, сизга маслаҳатларим...*

*Шундан сўнг экранда жавоблар пайдо бўлади:*

*— Мен ҳозирги сана билан 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида дунёга келганман. Мен туғилган йилларда замон ҳозиргидек тинч, одамлар тўқ эмас эди. Болажонларим, бу гўзал болаликнинг, мусаффо осмон тинчлигининг қадрига етинг.*

*— Отам Ғиёсиддин Муҳаммад ва меҳрибон онам менинг тарбиямга катта эътибор берарди. Отам Темурийлар саройига қадрдон бўлган. Менга доимо улар "Яхши ўқисанг, улуғ киши бўласан", дердилар.*

*— Болажонларим, менинг шоир бўлиб етишганлигимнинг асосий сабаби, ёшлигимда кўп мутолаа қилганман. Устозларимнинг топшириқларини бажонудил бажарганман.*

*— Устозларим (Мир Саййид Қамусий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар) ҳеч қачон мени уришмаган, чунки уларнинг ўгитлари ва маслаҳатларига доимо амал қилганман. Агар хато қилгудек бўлсам: "Алишербек, бу сизга хос одат эмас" деб танбеҳ беришган. Сизлар ҳам дарс қилишдан эринманг.*

*— Мен доимо ўзимдан катталарни ҳурмат қилганман. Кичикларга эса ҳамма вақт меҳрибон эдим. Чунки, ота-онам, устозларим менга шундай тарбия беришган.*

*— Ота-онам ёшлигимдан ҳовлимиздаги дарахтлар, гуллар, қушлар ва ҳайвончаларни, ариқ сувларини қадрлашни ўргатган. Шунинг учун ҳам табиатни севиб, ундан илҳомланиб яшаганман. Агар мен табиатни севмаганимда, мендан ҳеч қачон буюк шоир чиқмасди.*

*— Сиз ҳам яхши инсон бўлишни истайсизми? Унда ҳар куни дарс қилишни канда қилманг. Бадиий китобларни кўпроқ ўқинг, инсонларни, табиатни севинг. Ёмон кишилардан нари юринг. Болажонлар, мен сизларга ишонаман. Сиз ҳам вақти келиб ҳамма ҳурмат қиладиган инсон бўласиз.*

*Маслаҳатларим:*

*— Ота-она ҳурматини жойига қўйинг.*

*— Устоз отадай улуғлигини унутманг.*

*— Ноннинг увоғи ҳам нон.*

*— Сувни исроф қилманг.*

*— Мактаб деворларини тепманг. Ота-она, устозларни тепган бўласиз.*

*— Китоб-дафтарни яхши сақлашни ўрганинг, эртага у укангизга ҳам керак бўлади. Шу билан ота-онангизга ёрдам берган бўласиз.*

*— Кийимларни тоза тутинг, уларни йиртманг.*

*— Олов чиқарадиган нарсаларни ўйнаманг.*

*— Унутманг, дарахт ва кўкатларни пайҳон қилманг, уларни парвариш қилинг.*

*Мана шундай ўқув жараёни, ўйлашимизча, болаларни тарбиялашда қўл келади. Зеро, ҳозирги кун талаби анъанавий услублардан воз кечиб, янги педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия беришдир.*

**Н.ҚУШВАҚТОВ,**
**Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси**

## Xullas...

### ТАБАССУМ МАКТАБИ

Ҳар ким ҳар хил кулади: биров жилмайиб, кимдир илжайиб, яна бошқа киши мийиғида. Агар 100 кишини қатор қилиб, уларни кулдириб кўрсангиз, шунча ҳолатга дуч келасиз. Кулиш билан кулишнинг фарқи бор, дейди аргентиналиклар.

Ҳозирги вақтда бу мамлакатда табассум мактаби фаолият кўрсатаяпти. Мактаб маъмурияти бу ерга 50 нафар кишини жалб қилган ҳолда кулишнинг ўзига хос усулларини ўргатмоқда. Уларнинг талабига кўра, табассумда ясамалик сезилмасин, чеҳрангизда бу ҳолат шундай акс этсинки, қаршингизда турган суҳбатдошингиз бу ўзига хосликдан лол қолсин. Агар аёл киши бўлса, оҳиста, мафтункор жилмайсин! Эркаклар эса жиддий кулишсин, бу уларга ярашади. Бадавлат кишилар эса турмуш тарзларининг исботи сифатида оғизларини катта очиб, қаҳ-қаҳа ураверсин!

Табассум мактабининг ташкил этилиши ташаббус эмас. Мамлакат президенти Фернандо де ле Руанинг барча соҳадаги кишиларнинг ўз мижозлари билан қай тарзда муносабатда бўлишлари тўғрисида чиқарган қонунида бу талабга ҳам ўрин ажратилган.

Чиндан-да ўйлаб қарасангиз, ҳаётда кулги ҳам катта роль ўйнар экан...

### СЕМИРИШ ЮҚУМЛИМИ?

Бўлмаган гап, дейишингиз мумкин. Кейинги 20 йил мобайнида Ер юзида семиз кишиларнинг 30 фоизга ошганлиги олимларни бу борада кўпроқ тадқиқотлар ўтказишга ундамоқда.

Нафақат ривожланган, балки қашшоқ давлатларда ҳам бақалоқларнинг кўпайиб кетаётганлигига сабаб нима? Бу овқатланишга боғлиқ, деган хулоса унчалик ҳақиқатга мос эмас. Зўрға кун кечирувчи семизлар ёғли, қуюқ, калорияли овқатларни тушларида ҳам кўрмайдилар-ку.

Балки бу жумбоқнинг сабабини бошқа ҳолатлар изоҳлар, дейишмоқда америкалик олимлар.

Детройт ва Висконсин университети олимлари Никхил Дурандар ва Ричард Аткинсонларнинг бу борада олиб борган тадқиқотлари жуда ажабланарли натижа берди. Семиз қизчанинг қони товуқ ва сичқонларга қуйилгандан сўнг, орадан уч ҳафта вақт ўтиб, улар оч-наҳор сақланишларига қарамасдан семира бошладилар. Айниқса, уларнинг қорин атрофини ёғ боса бошлади.

Демак, семириш овқатланишга умуман боғлиқ эмас! Гапнинг қисқаси, семириш сабаблари ҳақидаги тадқиқотлар давом этмоқда...

ana shunaqa gaplar



## QUTLOV!

*Ҳурматли Насиба АҲРОРОВНА!*

***Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Мактабгача таълим мутахассисларининг устози сифатида Республикамизнинг барча боғча ходимлари меҳр ва ҳурматига сазовар бўлдингиз. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт ва олижаноб ишингизда муваффақиятлар тилаймиз. Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин.***

**РТМ жамоаси.**

Sport maydonchasi

### НАМАНГАНДА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

**Вилоят ҳокимлиги совринини учун бокс бўйича халқаро мусобақада иштирок этиш учун Наманганга жаҳоннинг Англия, Хитой, Малайзия, Россия каби 9 давлатидан 150 га яқин боксчилар ташриф буюришди. Ғолиб ва совриндорлар 3 август куни маълум бўлади.**

### ЯНГИ ФЕДЕРАЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Ўзбекистонда яна бир янги федерация ташкил этилди — белбоғли кураш миллий федерацияси. Илгари бухороча кураш деб аталган миллий курашимиз жаҳонни забт этаётгани "фарғонача кураш" — белбоғли курашни ҳам халқаро миқёсларга олиб чиқишни тақозо этади. Янги федерациянинг асосий мақсади ҳам шу.**

### ИРОДА ЮҚОРИГА ИНТИЛМОҚДА

**WTA таснифида 24—ўринда турган, Осиёнинг 1-ракеткаси Ирода Тўлаганова кеча АҚШнинг Сан-Диего шаҳрида бошланган навбатдаги турнирнинг асосий тўрида дастлабки баҳсини ўтказган. Турнирнинг мукофот жамғармаси 750000 АҚШ долларини ташкил этади.**

### ЖЧ— 2002

**Япония ва Корея майдонларида тўп сурадиган жамоалар номи бирин-кетин маълум бўлмоқда. Ҳозиргача қуйидаги давлат терма жамоалари ЖЧ—2002 финал турнирида иштирок этиши аниқ бўлди: Япония, Жанубий Корея, Франция, ЖАР, Камерун, Тунис, Сенегал, Нигерия.**

### КОЛУМБИЯ — АМЕРИКА КУБОГИ СОҲИБИ

**Колумбияда бўлиб ўтган Америка кубоги—2001 футбол мусобақасида ғолиблик майдон эгаларига насиб этди. Улар финалда Мексика жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этишди. 3-ўрин учун бўлган ўйинда Гондурас терма жамоаси Уругвайни пенальтилар бўйича 5:4 ҳисобида мағлуб этди.**

# КЎЗГУНИ СИНДИРГАН «ТОШ»

Қиш фаслининг изғиринли совуқ кунлари. Офтоб оламни ёритиб нур таратиб туришига қарамай, бир кун олдин ёққан қорнинг аёзи оёқни зириллатарди. Талабалар уйининг иккинчи қаватидаги шинамгина, ёруғ, кенг хоналардан бирида уч қиз аҳил-иноқ яшаймиз, талабалик даврининг унутилмас лаҳзаларини бирга баҳам кўрамиз. Уччала қиз республикамизнинг турли вилоятларидан: биримиз кўҳна Самарқанддан, биримиз гўзал Қашқа воҳасидан, яна биримиз эса Тошкент вилоятининг Бекобод туманидан азим Тошкент шаҳрининг олий ўқув юртларида таҳсил олмоқ учун келганмиз... Хуллас, уччаламиз ҳам қишки таътилни ўз ота-онамиз бағрида ўтказиб, янги асримизнинг дастлабки йилини қандай қарши олганлигимиз тўғрисидаги бир олам таассуротлар билан хонада йиғилдик. Эрталаб туриб ҳаммамиз ўқишга кетдик. Мен амалиётимни ўтаб, бироз чарчаган бўлсам-да, аъло кайфиятда хонамга қайтдим. Чунки ўша куни мен ёзган мақолаларим учун биринчи қалам ҳақимни олган эдим. Эртасига Отчопар бозоридан яхши ният билан кўйлак сотиб олдим ва уни хонадошларимга кўз-кўз қилдим. Иккала дугонам ҳам менга ёмон қарадилар-да, индамадилар. Ҳайрон қолдиму, лекин эътибор қилмадим. Ҳеч бўлмаганда кўнглим учун бир оғиз ширин сўз ҳам айтмадилар, дея дугоналаримдан хафа бўлиб, бошқа таниш бир ўртоғимникига чиқиб кетдим. Ўртоғим билан дилдан суҳбатлашдик, радиодан таралган шўх куй-қўшиқлар садосига рақсга тушиб мазза қилдик. Кеч соат 23ларда ўртоғим билан хайрлашиб, ўз хонамга дарс тайёрлаш учун қайтдим. Кундузи менга ёмон қараган хонадошларимнинг нимадандир қаттиқ ранжиганларини шунда сездим. Вазиятни сўрасам, хонадошимнинг 10 минг сўмдан зиёдроқ пули йўқолган экан. Эшитганим заҳоти донг қотиб, пулни қандай қилиб, қачон, ким олган, бўлиши мумкин деган ҳар хил тўхтовсиз саволлар билан чалғиб, ўзимча ўғрининг ким эканлигини топиш билан овора бўлсам, хонадошларимнинг фикрича, мен қидираётган лаънати ўғри "ўзим" эканман... Руҳан кайфиятимга жуда ёмон таъсир қилди, бир-икки кун юрагим лоҳас бўлди. Кўз-кўз қилган кўйлагимнинг уларга ёқмаганлигининг сабаби менга шундагина аён бўлди. Афсуски адашган хонадошларимнинг шубҳа-гумонларини тасдиқловчи ҳолатлар йўқ эмасди. Хонамизнинг калити 2 та бўлса, ўша куни калитнинг бири менда эди. Пул эса мен кўйлак харид қилган кундан бир кун олдин йўқолган. Ота-онамнинг юксак тарбияси ҳаққи оилада 6 та фарзанд бўлсак бировнинг бир сўмига хиёнат қилмаганмиз.Ана шу тарбиянинг натижаси ўлароқ, мени фақат виждоним олдидаги ҳалоллигим юпатарди. Кимдир менга нафрат билан боқса, яна кимдир мен билан гаплашишдан ҳадиксирарди.Орадан кўп вақт ўтмай, хонадошларим шуб-ҳалари ноўрин эканлигини сезишиб, кўнглимни олишга ҳаракат қилишар, атрофимда гирдикапалак бўлишарди, вақт эса ўтиб бўлган, қалбим кўзгуси бундай зарбанинг кучига чидай олмаган эди. Кўзлари билан кўрмасдан ўзгаларнинг фикрига ҳамда хар хил тахмин ва гумонларга асосланиб бировни айблаш инсонни маънавий эзиб, руҳий қийноққа солишини тасаввур қилиб кўринг-а? Мақсадим хонадошимни мулзам қилиш эмас-.Балки, ўзганинг мулкига кўз олайтириб, уни ўзлаштирган ҳамда биз ва бизга ўхшаган шўх дугоналарнинг ўртасида низо келиб чиқишига сабабчи бўлган юзсиз ўғриларнинг ўзгалар билмасалар-да, бу ишлари Оллоҳга аён эканлигини унутмасликларини истардим.Қолаверса, инсон ҳаёти яратганнинг ягона, улуғ неъматидир. Шундай экан, беш кунлик дунёда кимларнингдир ҳақига кўз олайтирмасдан, ҳалол меҳнат қилайлик, инсонлар кўнглида қилган савоб ишларимиз билан яхши ном қолдирайлик.

**Райҳон ХОЛМУРОДОВА**



*Ёшлик, нақадар гўзал!*

# ТЎГАРАКЛАР – БОЛА ҲАЁТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Maktabgacha ta'lim

Оила аталмиш қутлуғ даргоҳнинг ўз шоҳи, ўз маликаси бўлади. Оила чироғини ёритувчи фарзанд эса уларнинг меҳр тафтидан дунёга келади. Фарзанд дунёга келар экан, ота-она , энг аввало, унинг жисмонан соғлом, маънавий етук бўлишини орзу қилади ва бунинг учун бор кучини аямайди. Ота-она каби боғчалар ҳам келажак бунёдкорлари — жажжи фарзандларни комил инсон этиб тарбиялашга интилади.

Ана шундай таълим масканларидан бири пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 468-"Орзу" болалар боғчасидир. Боғчада 12 гуруҳ мавжуд бўлиб, унда 280 нафар ўғил-қизга 29 тарбиячи таълим-тарбия бераётир. Уларнинг кўпчилиги ўз ишининг устаси, кўп йиллардан буён фарзандлар тарбияси билан шуғулланувчи тарбиячилардир. Боғча мудираси Гавҳар Юсупова боғча болаларининг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб камол топиши учун ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга Г.Юсупова боғчада ташкил этилган "Орзу" рақс дастасининг бошқарувчиси ҳамдир. Дастада 40 нафар қизалоқ фаол иштирок этаётир.

Дилбандлар гулшанида рақс, инглиз тили, "моҳир қўллар", шашка, каратэ тўгараклари болажонлар хизматида. Шашка тўгарагига Сожида Юнусова раҳбарлик қилмоқда. У ўзининг иш фаолияти ҳақида гапириб, шашка ақлни чархлашини ҳам айтиб ўтди. Шашкада юриш қоидаларини ўрганаётган тарбияланувчилар келажакда моҳир шашкачи бўлишни орзу қилишмоқда.

Инглиз тили ва каратэ тўгараклари эса ота-оналарнинг ташаббуси, ёрдами туфайли фаолият кўрсатаётир. Масканда қўл меҳнати бўйича ишлаш ҳам йўлга қўйилган. Тўгарак раҳбари Зуҳра Мирсоатова ва тарбиячи-ёрдамчи Сожида Рустамовалар қиз болаларни қўли гул бека этиб тарбиялашмоқда. Улар бошчилигида мурғак қалблар ҳар хил қўғирчоқлар, кийим-кечаклар тикиш сирларини ўрганишмоқда. Шунинг учун ҳам боғча қизлари тиккан қўғирчоқлардан қўғирчоқ театри ҳам ташкил қилинган.

Боғча Ғафур Ғулом номидаги 167-мактаб ҳамда Шоилҳом Шоюсупов маҳалласи билан ҳамкорлик қилади. Боғчадаги шароит, миллий бурчак, китоб бурчаги, табиат бурчагининг мавжудлиги ва таълим соҳасида фидоий саналган Муқаддас Оқилова, Дилором Боботиллаева, Холида Ҳакимова каби тарбиячи устозлар борлиги учун ҳам мактаб остонасига қадам қўйган ҳар бир ўғил-қиз боғча қадрини янада юксак кўтармоқда.

**Замира ЖОВЛИЕВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабаси**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон халқ шоири **Муҳаммад ЮСУФнинг** бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Маърифат" газетаси жамоаси Ўзбекистон халқ шоири **Муҳаммад ЮСУФнинг** бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия билдиради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази жамоаси "Касб-ҳунар коллежлари" бошқармаси бош мутахассиси Зафар Муродович Сатторовга онаси **Салвар ая УЗОҚОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
навбатчи: Ҳусан НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2717. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.